

Назар ШУКУР

**Мени кечир,
муҳаббат**

Шеърлар

Қарши
«Насаф» нашриёти
2004

84(59)0-3

Назар Шукур шеъриятида инсон руҳиятининг дардли кечинмалари ва ўй-фикрнинг товланишлари, тарих ва эртанинг залворли оғриқлари, муҳаббатнинг мангу қисмати, ҳаётнинг рангин оҳанги, умид-армоннинг узун йўли турфа манзараларда мўъжиза касб этади.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
Ўроз Ҳайдар

W31437
291

Ш 4702620202-281 281-2004
376(07)2005
ISBN 5-7323-0505

20.05
4103
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston M

10



ЮРАКДА ҚОЛГАН ИЗЛАР

Ҳеч ёдимдан ўчмайди: сокин август оқшоми, кўкда юлдузлар олмосдек потраган, лойсувоқ супада ака-ука ётибмиз. Негадир уйқумиз қочган. Бизларнинг бедорлигимиздан кўзига уйқу келмай энам гап қотди: «Болаларим, қани жетиган жұлдуз жетига борса савоб бўлармиш, деб айтинглари-чи». Ака-ука то нафасимиз бўғилгунча юқоридаги иборани такрорлаймиз. Бу сеҳрли ибора қишлоқ аёлларининг ўз фарзандларига ибрат сабоқларими, билмайман, ҳар нечук унда қалбни ошуфталик водийси сари талпинтирадиган бетимсол куч бор. Гоҳо ака-ука тортишиб қолганимизда, энам мени койирди: «Акани ҳурмат қил-да». Ўжарлигим қуйиларди ўшаанда. Лекин баҳс давом этарди, шу билан донг қотиб ухлаб қолардим.

Энам акамни алоҳида, ўзгача меҳр билан яхши кўрарди. Балки тўнғич ўғли бўлганлиги учундир, билмадим. Бир гал опам эшакка бидонларни ортаётган акамга қараб: "Назар, агар дарсимни тайёрлаб берсанг, сувга ўзим бораман" - деди. Чунки у пайтлар артезиан қудуғи қаёққа, ҳув Оёқчисойдан бидонда ичгани сув таширдик. Акамнинг ўжарлиги тутдими, танглайини тақиллатиб йўқ ишорасини қилди. Опам камзули чўнтагидан бир сиқим туршак олдида акамга узатди. Дашт боласи туршакни онда-сонда оғзига солмаса, қаёқда эди. Акам бир зум серрайиб турди-да, яна ўжарлиги тутди. Эшакнинг қуймичига косов билан тушириб жўнаб кетди. Опам йиғлағудай бўлиб кувиди айрон пишираётган энамга зорланди: «дарсимни қилиб берсин». Энам ҳам: «Сени дарсингни у қаёқдан билади, юқорида ўқисанг», - дея ранжиган бўлди. Опам ҳам

бўш келмай: «у билади», деди. Мен дарс нима, тушунмасдан бир чеккадан боқардим.

Бир гал мактабдан қайтиб, қўлимга бир бурда нонни олиб оғилхонамиз олдида гилдиракли аравача ясаётган акамнинг қаршисига бордим.

-Бу нима? -сўрадим ундан.

-Самолёт ясаяпман, учамиз, -деди қўлидаги йўгон симни қийинчилик билан эгар экан. -Ҳали хув Макридга - Ойсоат холаминикига учиб борамиз.

Мен ҳеч нарса ни англамай елка қисдим. У муккадан ишга шўнғиган. Анча вақт ўтқач, иккаламиз уйимиз ёнидаги қирдан пастга қараб гилдиракли аравачада учдик. Тезлик ошган эди ҳамки, гилдирак ўқи қарс этиб синиб, иккаламиз икки ёнга сочилиб кетдик. Юз-бошимиз тилинган, алам билан сўкишга ўтганимда акам:

-Ҳай, майли, ҳали шундай самолёт ясайки... -деб қўйди.

Болалик орзулари сени қўним билмас капалақдек бедор этади. Акам қозик, илгак, тумбочка, гоҳида кичик стулчалар ҳам ясарди. Мол томимиз унинг устахонасига айланган, темир-терсаққа тўларди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Тайёрлов курсида ўқиётган акам таътилда уйга келиб, гапириб қолди: Абдулла Орипов билан учрашдим, -деди ҳаяжонини босолмай, шеърларимни «Совет Ўзбекистони»да чиқарадиган бўлди.

Орадан ҳафта ўтмай (1974 йили) акамнинг «Чашма», «Кўзгу», «Гиёҳ» деган шеърлари газета юзини кўрди. Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов шогирдлари орасида акамга алоҳида меҳр билан қарарди.

Шоирнинг ҳаёт чоғида «Кўқдаги умр» ва «Қишлоқ йўлларида» китоблари ўқувчилар қўлига тегди. «Чўлпон» нашриётида унинг «Вақт хиёбонида» китоби чоп этилди. Унга ноёб истеъдод соҳиби Чори Аваз муҳаррирлик қилган. Улар ҳаётлигида Ватанларини суйиб қуйлашсада, бир энлик бўлсин хужрага эга бўлиб, унда яшаб ижод қилолмадилар.

Наилож, акам 31 ёшида ҳаётдан кетса-да, ундан шеърлар, фарзандлар қолди. Бу дунёга кимлар келиб, кимлар кетмаяпти. Муҳими, унинг исми бугун ва эртага жаранглаб турса, та:грига шукур!

Ўроз ҲАЙДАР.

КЕНГЛИКЛАР ҚЎШИҒИ

Тупроқ йўллар оралагай қирларни,
Кенг далалар ёйиб ташлар сирларни,
Бу дафтарга ёзсанг агар шеърларни,
Шеърларингдан буғдой анқир, дон анқир,
Қуёш каби яхши пишган нон анқир.

Қуёш ўпар - бола тани кийимсиз,
Дарахтлари зерикади қуюнсиз,
Озод қушлар яшолмагай ўйинсиз,
Дехқонларнинг кетмонидан кун анқир,
Жўякларда шилдираган ун анқир.

Қўп камтардир, шовқин солмас кенгликлар,
Қучогида қават-қават жимликлар,
Жой кенг! Қани, қанча уйни ким тиклар?
Бунда «бағрикенглик» деган шон анқир,
Оқсоч шарқнинг тоғларидан тонг анқир.

Пода қайтар таратиб сут исини,
Туёқларда тўзғитиб ўт исини,
Ҳаприқасан, кўрсанг, бу шом тусини,
Оплоқ чангмас, оқ йўлларда ун анқир,
Сутлар ҳидин тўйиб ичган тун анқир.

Чўнг бинолар тўсиб қўймас тоғларни,
Еллар ўйиб эркалайди боғларни,
Осмонида кўрмайсан дуд - доғларни,
Хавосида ҳеч кўринмас таъм анқир,
Сойларидан тоза, хушбўй нам анқир.

Баланд қирда эркин чўпон най чалар,
Қуйларида ўйнаб оқар майсалар,

Хув, Булутлар чўққиларга жой солар,
Чўққилардан оқбадан қиз-қиш анқир,
Кенгликларнинг ҳовуридан ишқ анқир.

1979

МАНЗАРА

Ой кулади беун, Бежаранг,
Юлдузларда пок тортинчоқлик.
Тун қўйнида ухлайди ранглар,
Тун қўйнида ухлар ўзоқлик.

Фарқ тилсимлар қаърига жаҳон,
Эшитилмас шовқинлар саси.
Ташланади менга ногаҳон
Сукунатнинг ваҳший шарпаси.

1977

СУКУНАТ

Доим Соши эгик,
Доим Соши хам,
Шўрлик сўзломмайди Бахтиёр бўлиб.
Қуюлур ёмғиру офтоб бошидан,
Бир хил оҳанг ичра кетмас ёрилиб.

Бут жойим қолмаган, дарзларим бисёр,
Йўқотдим такаббур қилиқларимни.
Гар билсанг ўзингни менга чин дўст, ёр,
Сен ердан териб ол синиқларимни.

1983

Ўқирмикан байтларим
Ёр учун ёниб битсам.
Шеърни такрор қайтаринг
Агар ҳаётдан кетсам.

КЕНГЛИКЛАР ҚЎШИҒИ

Тупроқ йўллар оралагай қирларни,
Кенг далалар ёйиб ташлар сирларни,
Бу дафтарга ёзсанг агар шеърларни,
Шеърларингдан буғдой анқир, дон анқир,
Қуёш каби яхши пишган нон анқир.

Қуёш ўпар - бола тани кийимсиз,
Дарахтлари зерикади қуюнсиз,
Озод қушлар яшолмагай ўйинсиз,
Деҳқонларнинг кетмонидан кун анқир,
Жўяқларда шилдираган ун анқир.

Кўп камтардир, шовқин солмас кенгликлар,
Қучоғида қават-қават жимликлар,
Жой кенг! Қани, қанча уйни ким тиклар?
Бунда «бағрикенглик» деган шон; анқир,
Оқсоч шарқнинг тоғларидан тонг анқир.

Пода қайтар таратиб сут исини,
Туёқларда тўзғитиб ўт исини,
Ҳаприқасан, кўрсанг, бу шом тусини,
Оппоқ чангмас, оқ йўлларда ун анқир,
Сутлар ҳидин тўйиб ичган тун анқир.

Чўнг бинолар тўсиб қўймас тоғларни,
Еллар ўйиб эркалайди боғларни,
Осмонида кўрмайсан дуд - доғларни,
Ҳавосида ҳеч кўринмас таъм анқир,
Сойларидан тоза, хушбўй нам анқир.

Баланд қирда эркин чўпон най чалар,
Қуйларида ўйнаб оқар майсалар,

Хув, Булутлар чўққиларга жой солар,
Чўққилардан оқбадан қиз-қиш анқир,
Кенгликларнинг ҳовуридан ишқ анқир.

1979

МАНЗАРА

Ой кулади беун, бежаранг,
Юлдузларда пок тортинчоқлик.
Тун кўйнида ухлайди ранглар,
Тун кўйнида ухлар узоқлик.

Фарқ тилсимлар қаърига жаҳон,
Эшитилмас шовқинлар саси.
Ташланади менга ногаҳон
Сукунатнинг ваҳший шарпаси.

1977

СУКУНАТ

Доим Соши эгик,
Доим Соши хам,
Шўрлик сўзлолмайди Бахтиёр бўлиб.
Қуюлур ёмғиру офтоб бошидан,
Бир хил оҳанг ичра кетмас ёрилиб.

Бут жойим қолмаган, дарзларим бисёр,
Йўқотдим такаббур қилиқларимни.
Гар билсанг ўзингни менга чин дўст, ёр,
Сен ердан териб ол синиқларимни.

1983

Ўқирмикан байтларим
Ёр учун ёниб битсам.
Шеърни такрор қайтаринг
Агар ҳаётдан кетсам.

Ғам-ғуссаға қўйиб ҳад
Нетарди, ёрга етсам.
Мени кечир, муҳаббат,
Агар ҳаётдан кетсам!

Бўлмади дилдор рози
Ҳадсиз қонларни ютсам.
Ачинманг, қилдай озиб
Агар ҳаётдан кетсам!

Бахтдир, ёлғиз севгимни
Тупроққа қарзсиз элтсам.
Йиглатарканман кимни
Агар ҳаётдан кетсам!

Парво қилмади зора
Ёр номин такрор этсам.
Эслармикан бир бора
Агар ҳаётдан кетсам!

1981.

КУМУШБИБИ АЗАСИ

Кулфат ранги сачраган ёруғликлар қорайди,
Қил сизмаган юракдай олам бағри торайди,
Энди Отабек фақат ғуссаларга ярайди,
Ўн тўрт кунлик ой каби тўлғондинг, Кумушбиби,
Сўнгги жонга илиниб тўлғондинг, Кумушбиби.

Энди жонсиз севгингни шул қаро ер кўтаргай,
Йиглаб қаро тобутни Отабек эр кўтаргай,
Менинг кўз ёшларимни титраб бу шеър кўтаргай,
Нурмас, йиғи-додларга чўлғондинг, Кумушбиби,
Сўнгги жонга илиниб тўлғондинг, Кумушбиби.

Колмади-ку дунёда ёниб бағри бутунлар,
Кўкракларда туғилиб кўқда ўлар тутунлар,
Чарс-чурс ёнар оромлар бўлиб ғамга ўтинлар,
Хар юракда "оҳ!" бўлиб уйғондинг, Кумушбиби,
Сўнгни жонга илиниб тўлғондинг, Кумушбиби.

Сен куйларга ўхшатган серавж сой ҳам йиғлайди,
Нурай-нурай яримта бўлган ой ҳам йиғлайди,
Сени ўзи яратган Жулқинбой ҳам йиғлайди,
Ногоҳ кучган бахтингдай кулгандинг, Кумушбиби,
Сўнгни жонга илиниб тўлғондинг, Кумушбиби.

1979.

Ажнабий рақс давом этмоқда қизгин,
Мен ғазаб ўтида боряпман куйиб.
Сен ўйлар сўрасан оҳиста, секин,
Бировнинг кўксига бошингни қўйиб.

Наҳотки, чанқоқсан, эркак зотига?
Кўзимда ўзгарар давранинг туси.
Менинг юрагимни бўғмасин нега,
Хиёнат аталган шубҳалар иси?!

Ўтган завқ, висолдан омонсиз тониб
Ёт бағир ҳидидан тебранасан маст.
Сен учун юрдимми шунчалар ёниб?
Сотқин дўст кўксини ҳидламагин, бас!

Қалбимдан сўндириб тоза, поклигинг
Ортиқроқ ёқурсан рашким ўтини.
Чўчитиб қўйдими кўп йил тоқлигинг?
Бағримда бурқсийди гумон тутуни.

Кўксимда инграйди увол бўлган ишк,
Мен ўзим эмасман. Мен - увол севги.

Сен зинҳор ҳайиқмай топтайсан ортиқ,
Музлаган мендаги ҳар битта сезги.

Ажнабий ўйинда кўринмай сенга
Ғазабдан турибман бошимни эгиб.
Мен ёниб қуйлаган ул белларингга
Сотқин дўст қўллари турибди тегиб!

1981.

ХОНСУЛУВ ХОЛАНИНГ ҚЎШИҒИ

Хонсулув холанинг умри гулламас,
Ҳолбуки гуллайди ўрикзорлари.
"Худойим, ёлғиз бир фарзанд берсанг, бас!"
Ўшандан иборат тирик зорлари.

Зар либос, тақинчоқ унга бир чақа,
Ҳамдарди - сувоғи кўчган иморат.
"Тирноққа зор этма!" деб йиртар ёқа,
Ҳар кунги қўшиғи шундан иборат.

Ҳар йили кўз ёрар ола сигири,
Кучуги туғади тўрт-бешта қилиб.
Уни-чи, туғмас деб ҳайдади зри,
Ҳайдади сигирга ҳасади келиб.

Бир итча бўлмадинг деб қувди уйдан,
Эрининг кўзида қотганди йиғи.
Аламин оларди туғмоқчи қўйдан,
Ўшандан иборат эди қўшиғи.

Бахт сўрар аёл жим ўтган боладан,
Серямоқ устига солмасди назар.
Не қилсин, безурёд ўша холадан
Бўй етган қизлар ҳам қиларди ҳазар.

Тақдирнинг ҳеч ўчмас таънаси эди
Қоп-қора сочига кўнган оппоқ қор.
Кучса-да ҳар ённи кўкларнинг ҳиди
Холанинг уйига кирмайди баҳор.

Турналар келади кўкларнинг куйлаб,
Осмонга бир маржон мисрани ёзар.
Холанинг деворин ўтару бўйлаб
Еллар ҳам киришдан қилади ҳазар.

Ёмғирни олқишлар болалар тинмай,
Меҳри бор уларнинг гулда, қоқида.
Шўх янграр итқитиб ғамларини най,
Ҳеч кимса куйламас хола ҳақида.

Ҳаттоки бурканар яшилликка чим
Унутиб фазонинг бўшлиқларини...
Хуллас, бу дунёда айтмасин ҳеч ким
Хонсулув холанинг кўшиқларини!

13.12.82

СИРИНЧИ ОЛИМ

Расул Оқбоев хотирасига

"Додикдан чиқди-да битта зўр олим"
Сўзларди фахр этиб бор қишлоқ аҳли.
Бу гаплар мен учун бўларди таълим,
Шу тусда бўй сди орзумнинг шакли.

Расул ака, сиздай бўлмоқлик учун
Китобларни севиб ўқидим тинмай.
Улғайган онимда ўлдингиз нечун?
Қаноат қилсангиз бўларди жиндай?!

Сиз орзум эдингиз. Бердингизми жон?
Шунда илк умидим тўшга урилди.
Совуқ зах мазордан чиқмайсиз ҳамон
Менинг орзуларим эса тирилди!

Кўлга кетмон олиб кўмолмадим, йўқ,
Тупроққа ям-яшил орзуларимни.
Унга ҳам текканди ўлим отган ўқ,
То ҳануз тарк этмас дарду танимни.

Кишлоқдан шеър топиб сизни топмадим,
Уфқлар титрайди совқотган тандай.
Хаёллар ортидан сарсон чопмадим,
Баъзан жумбоқ қолдим номаълум сондай.

Бўлдим пок, исёнкор ҳисларга асир,
Қоғозга бергайман бағримнинг ўтин.
Бўлдим гоҳ - махражу суратли каср,
Гоҳ кўрдим гирдобда ўзимни бутун.

Чўлгайди жисмимни байтлар хаёли,
Илҳомнинг париси бермайди тутқич.
Сиз эса сонлардан топгансиз толе,
Бошингизда бўлган тенгламалар зич.

Гарчанд фурсатларга бергайман ҳисоб,
Изларим мероси - аёзми, ҳамал?
Қанчадир умримда бедорлик ва хоб?
Чўтимда чарх урар одми - тўрт амал.

Яшадим қанча вақт - чўчимай чўчиб,
Ўтказиб йилларнинг карвонларини?
Йўқ, ҳисоб этмоққа етмайди кучим
Хушвақт Рўзикулнинг армонларини.

Кувончнинг ҳадлари, ғамнинг ҳадлари
Ҳаётнинг тартибин этиб тургай рад.
Ажалнинг тўртбурчак қора хатлари
Кўйганми серқирра умрингизга ҳад?!

Масала, мисолни қилган каби ҳал
Мамнунман, қайси кун ёзсам тўрт қатор.

Қирлардан топган ул мисраларда ҳам
Балки сиз яратган формулалар бор!

Қоғозга туширдим дардларим расмин,
Бир ором дийдори учун очдим фол.
Куйлаган онимда қишлоғим васфин
Соғинчим тикланди формула мисол.

Азалдан кўп эди сизга саволим,
Жавобин васлига қолдим-ку етмай?
Бўлгансиз қишлоқда биринчи олим,
Биринчи шоирман мен эса, нетай!

10.01.83

МУҚАННА ИЗТИРОБИ

Жасадим тутуни - Санам тоғлари,
Вайрона қалъалар - танам доғлари,
Завқимга хилофдир - онам оҳлари,
Қашқага айланди қуюлган ёшим,
Бу нима кўргулик, эй ибн Ҳошим.

Қон тўла ҳовучин тутгай ҳар ҳалқоб,
Элатим, наҳотки, бўлмоқдасан соб?!
Фалак ҳам дудлардан тортгандир ниқоб,
Будуним сиғинган кимга, Қуёшим,
Бу нима кўргулик, эй ибн Ҳошим?!

Наслимга тил эзур ёғийлар сўзи,
Худоба ёлворган тушунмай ўзи,
Оловда юз бурган, "Қуръон" да кўзи,
Осмонда оҳ урар булутлар - лошим,
Бу нима кўргулик, эй ибн Ҳошим?!

Кўрмай деб тортгандим ниқоб юзимга,
Барибир кўринди юртим кўзимга,
Ёв қувди, сиғмадим дала-тўзимга,
Ўт чорлар "Муқанна, бўлгил соф ошим!"
Бу нима кўргулик, эй ибн Ҳошим?!

Ўт эди, бут эди - эътиқод, диним,
Уларни пуллаб сен соғ қолдинг, иним,
Лов ёндим, бўлмади парча ер - қиним,
Сочим - нур, офтобга айланди бошим,
Бу нима кўргулик, эй ибн Ҳошим?!

ОСМОН ТАШБЕҲЛАРИ

Рашидга

Қаттиқ силкитаман. Қўзғалар осмон,
Юлдузлар тўкилар, йўқ, чўғлар эмас.
Осмон, тоқайгача сен бошда посбон?
Осмон, ҳеч бир жонзод мевангни емас!

Ҳандалак атардим сап-сарик ойни,
Талпиниб, вуй, бунча кетибман ўсиб?!
Сен таранг тортганча камалак - ёйни
Булултар лашқарин қирардинг пусиб.

Осмон, сен йиглардинг, кулардик бизлар,
Ашқларинг этарди уст-бошимни ҳўл.
Эҳ, тўйиб йиғласанг ўчарди излар,
Майсалар бўларди ҳар кунгидан мўл.

Қоқ ёрай дерди-я момоқалдирок,
Илонни оловдан ясарди жинлар.
Наъралар тортардинг. Ўша кун бироқ
Ерлардан унарди қўзиқоринлар!

Дув-дув тўкилардинг. Ичардик сени,
Кечардик сачратиб. Топтардик осон.
Ҳовучлаб ичганда мовий меҳрингни
Кўксимиз кенг тортиб бўларди осмон.

Сен-чи ёғар эдинг бўлиб уқпар қор,
Заминнинг бошини оқликка ўраб.

Шифтлардан оқма деб, осмон, неча бор
Томлардан биз сени ташладик кураб.

Қорбобо ясардик сендан қиш фасли,
Кулардик бошинга кийдириб челак.
Масхара, мазахга бўлмасдинг таслим,
Ёғардинг,
Булутилар бўларди элак.

Ёғардинг. Турибсан Тошкент устида,
Ёғяпсан, кетолмай Шош тепасидан.
Ҳозир ҳам зангорсан, содик дўстимсан,
Тўнқариқ турибсан Ер супасида.

Боряпман қоп-қора соябон тутиб,
Сочларни юволмай сапчийсан тўпдай.
Осмон, мени кечир, қўйдим унутиб,
Сал ёғсанг сен бугун туюлдинг кўпдай!

Ювасан турфа хил машиналарни,
Асфальтга урилдинг. Тошданми жонинг?
Жим босиб мрамарбанд оқ зиналарни
Панага ошиқар вужуду жоним.

... Шўх-шон давралардан топмай тасалло
Севгисин шарҳ этиб йиғларди Рашид.
Ёшлари Тошкентга ёғарди, аммо
Яшарди эркини Марғилон ташиб.

Марғилон таширди оромларини,
Мамлакат, Рашиднинг осмонин қайтар?..
Муҳаббат унутган оқшомларини,
Кўз ёши овозсиз қўшиқлар айтар.

Севгисин кўмди у Хўжамажозга,
Тунада мазорда Отабек мисол.
Осмон, солोलмадинг дардларин созга,
Бошида тургандинг шунда ҳайрон дол.

Ўша куни оқ уриб бошидан эмас,
Кўзидан ёш бўлиб ёғардинг, осмон.
Шош узра уф тортиб йиғламагин, бас,
Кўчага чиқолмай турибман ҳамон.

Бандларинг ҳаводан ясалган қозон,
Булутлар пардасин қўйма тушириб.
Кел, мизғий, эртага туриб тонг азон
Қуёшни келтирай сенда пишириб!

28.02.83

СОҒИНЧ

Қашқадарё қолди мендан узокда,
Уфқлар остида чўзилиб ётар.
Юрагим тушгандир Шошда тузоққа,
Қашқадарё узра ҳар кеч кун ботар.

Рухимда чайқалар адирлар ёли,
Тушимга киради таңдир, ўчоқлар...
Ҳар кеча ўзидан қўймасдан холи
Тошкент ухлаб қолар мени қучоқлаб.

14.03.83

Чекиниб яшайман танбех, паңдлардан,
Журъатим бағримдан қилинар таъқиб.
Узилар ёшларни киприк-бандлардан,
Чўмилган бу сойда, эй ғолиб, рақиб!

Гуноҳкор бандадай юрай жим, шувит,
Беркинай кимсасиз жойларга шитоб.
Қочгани мириқиб қувар доим ит,
Мағлуб ёв ортидан кўпаяр хитоб.

Кўрқаман, қаршингда сўзлаб сермаъни
Сездирмай сотгувчи кимсадин ғоят.
Мард бўлсанг майдон туш, риёкор, кани,
Жуъратни ёдла бир бамисли оят?!

Ботир бўл умрингда бир марта ахир,
Очиқ, кенг майдондан кўрқма бир марта.
Хаҳотки, курашмоқ сен учун таҳқир?
Хаҳотки, ташлайсан ҳақликка парда?!

Мен эса хундирман сезмай кимлигинг,
Билолмай ёнаман беўт, беўчоқ.
Айбингни яширар сиртдан жимлигинг,
Панадан бехато урасан пичоқ!

Бировлар бахтидан йўқотгунг ўзни,
Гўдақлар кулса ҳам хастасан, силсан.
Жиққамушт этсангу иккита дўстни
Фақат сен... бир четда томоша қилсанг!

Юрагимда чайқалар кадар,
Отим, бунча юрасан йўртиб?!
Ёлларингни юмшоқ шамоллар
Ўтар бугун негадир туртиб.

Чайқалади мовий хаёлим,
Мавжи тинсин, отим, йўрғала.
Йўртиб-йўртиб чопади йўлим,
Эланади каттакон дала.

Топмаяпсан нелардан таскин,
Юришингни эт бир оз равон?
Туёқларинг эшитиб сасин
Қара, йўртиб қочмоқда доvon!

2.06.83

Дўстимсан, ошкор айт, адашдимми ё?
Не бўлди? Тасодиф отиб қолдинг тош.

Мен сабаб ё тегмай қолдими зиё,
Қитмирлик нимага, эдинг-ку ювош?!

Юз тубан бўлмоғинг истади нечун?
Кулфатим сен учун, наҳотки, шараф?
Мен сари кўрсатдинг найзангнинг учин,
Сенмисан, жон дўстим, тушимми? Ё раб!

Орзулар юракда улкан эди-ку!
Сеники гулламай ё уздими жон?
Ё лойқа тортдими тип-тиниқ туйғу,
Жавоб бер, шу сенми? Түрибман ҳайрон!

Ёйинки тўсдимми ўз гавдам билан
Оқаётган ҳисларинг ойдин йўлини.
Ё сезмай ўзингда истеъдод, ўлан,
Бешафқат юлдингми дийдор гулини?

Нур кўрмай қолдингми истиқболингда,
Не фожа рўй берди, дўстим, тутма сир.
Не режа чайқалур ўй, хаёлингда,
Ҳамиша эди-ку манзилимиз бир!

Айбим не! Ювмоққа борми чора, йўл!
Сарбон қалб жисмингни қаёққа бошлар.
Ё қучган маҳали сени ора йўл
Парвозли дўстларга отдингми тошлар?..
19.06.83

БОСМАХОНА

Кўрғошин эриydi, терилар ҳарфлар
Матбаа аталган бу корхонада.
Терилар қувончлар, терилар дардлар
Ва пайдо бўлади йиллар санада.

Терилар рақамлар, "икс", "игрик"лар,
Ҳарфлардан тиклангай тафаккур расми.

Китоблар ичида Ньютон ухлар,
Китоблар ичида даҳолар васли.

Дастгоҳлар шовқини, ҳарфлар шовқини,
Шеърларга айланиб тизилар қатор.
Биз эса англаймиз китоб завқини,
Бориб дўконлардан оламиз - тайёр!

Ҳаёт - тирик китоб. Фимиллар барча,
Дунё - босмаҳона. Шамоллар садо.
Кунлар ҳам терилар шафқатсизларча,
Демак, биз йил сайин бўляпмиз адо.

Йўлларга босилар оёқлар ҳарфи,
Эътироз не даркор? Мен - босмаҳона.
Ҳарфларни яратар юрагим зарби,
Қай битга ҳисларим терилар яна!

Қоғозлар юзига дардни босаман!
Қувонч - мусаҳҳиҳ кўрмаган хато.
Мухаррир, жарима сизга ёзаман,
Шахсий севинчларни этинг деб ато.

Роҳатни хато деб ўтказган инсон
Азобнинг қошида рўй-рост тонадир.
Сиз ҳали билмаган ҳар бир китобхон
Жарима солгувчи босмаҳонадир!

5.08.1983

...

Озор бермай, бездирмай
Суратингга чўқингум...

Миртемир

То бор экан танда жон, яшолмайман суймасдан,
Кўнглим кечолмас умрин, соғинч тўнин киймасдан.

Сўроқ этма, хароб этди
сени сўраб юрак пайдар,
Фариб билма, муҳаббатдан
менинг ўзга хазоним йўқ.

Боғингни нам кўриб саҳар
абрни излама кўқдан,
Кўз ашкимни ичиб яшнар,
не суд уйқу, азоним йўқ.

Ахир, номим Назар бўлиб
илинмасам назарингга
Жаҳон торлик қилар, найлай,
вале бошқа жаҳоним йўқ.

Негадир теварак туюлар дағал,
Кўксимдан топмайман меҳр ё қаҳр.
Яқин дўст мушукули бўлганида ҳал
Ҳаттоки кўнглимга инмади фаҳр.

Гиштлардай кўчади фикрлар вазни,
Келгинди бу ҳолдан кетаман кўрқиб.
Қонимда ҳанузки ҳиссизлик базми,
Нега бунча совуқ атрофнинг турқи?

Дарахтлар кўк сари панжасин ёйган,
Маъносиз кўринар менга бу аҳвол.
Юрагим кўп ёниб ё ҳолдан тойган,
Ҳаётга кўнглимда йўқ жиндай савол.

Кулгули туюлар муҳаббат, севги,
Бугунги кунимга тушмас улар мос.
Энг ноёб ҳиссларни унутиб ёки
Ёнган онларимдан оляпман қасос?!

Теграмга қарайман совуқ ва бефарқ,
Боқмайман ҳар битта шаклга зимдан.
Осмонда яшиндай этмадинг деб ярқ,
Балки ўч оляпман тириклигимдан?

Умримни банд этар бир осуда ҳол,
Дамларим ҳеч кимга бўлмади талош.
Дунёнинг завқи-ю ғамига яққол
Ўзимдан беҳабар кўтардимми бош?!

Тортган оҳларимдан оляпми қасдин
Беозор оқаётган сокин онларим.
Бир теран дарёнинг олдами аслин
Нақадар шўҳ, шаддод ҳаяжонларим!

Ҳудудсиз ашқларим май каби ичиб
Ҳуд-беҳуд бўлгандан севги йўлида.
Аламин олдим-ку баридан кечиб!!
Мен бугун лоқайдлик тановулида.

Кимга дўст тутиндим, кимгадир ука,
Бир бўлди ҳамиша оқу қорамиз.
Мос тушмай феълимиз баъзи феълига
Очилди қоронғи тартиб орамиз.

Ҳайтовур, кин сақлаб қилмадим зарда,
Ё ҳижрон шавқидан кетмадим яшнаб.
Табиат яратган бор нуқсонлардан
Бугун ўч оляпман, бўм-бўш яшаб!

28.01.82

АЁЛЛАРГА

Аёллар, қолсангиз агар бенажот
Жондан ўч олдингиз кўз ёши тўкиб.
Илоҳий номларга қилиб муножот
Кетасиз барига сўнгра кўникиб.

Гурурнинг олдида, йўқ, зтмайсиз ор,
Тўккан кўз ёшидан қилмайсиз номус.
Сизларда йиғлашга эркин ҳуқуқ бор,
Қилгайсиз ҳар дардни йиғлаб фаромуш.

Недаңдир салгина кетсангиз тўлиб
Кўнглингиз айтасиз очиқ-ошкора.
Дунёнинг сирларин нопинҳон билиб
Дардларни тўкишга топасиз чора!

Йиғлашни ор билар эркалар зоти,
Дўниб ҳар тангридан кутмас иноят.
Агарда кулфатдан қилса кўз ёши
Гурурин олдида, ахир, жиноят!

Ўкириб йиғласа кўпнинг қошида
Жаҳонда ўзини атаб чорасиз.
Кечириб бўлмайдди бу касни шу дам,
Бу эрлар номини тутинг қора, Сиз?

Мусибат тушдими эрлар бошига
Умрини чекади, чекиб сегара.
Юраги йиғлар-да
Кўплар қошида
Кўз ёшу фарёдга кўяр чегара.

Қандайдир гуссанинг қора пичоғи
Ёруғ кунларини қўйганда бичиб -
Ногаҳон из солган шу ғамлар доғин
Эркалар ювади аччиқ май ичиб.

Уларни асрангиз ботирлигидан,
Севгисин рад этиб эгманг бошини.
Дардларнинг зуғмига топмаса чидам
Кўрмоқчи бўлмангиз дарё ёшини!

Уларни асрангиз, топмасин завол,
Айрилиқ ичида қолмасин турғун.

Вафосиз дилбарлар тўфайли, алҳол,
Эркаклар зотига келмасин қиргин!

Қайда ёв тинчимаё кўтардимё бош
Эҳ, улар жўнарлар тинчитмоқ учун.
Сиз эса қоласиз тўкканча кўзёш,
Эркаклар камайиб бормасин нечун?

Дунёни тенг бўлган она табиат,
Тенг бўлган мулкини аёл, эркакка.
Душманлар урушни қилганда ният
Аммо сиз бўш уйда қоласиз якка!

Каспийдай оз тортар эркаклар зоти,
Жангларда "Она!" деб, "Ватан!" деб айтди.
Гоҳ афғон ерида ёвга ўқ отиб
Уйига баъзисин мурдаси қайтди...

Сиз эса, дардларга лим тўлса юрак
Кўзлардан бемалол ташлайсиз тўкиб.
Эркаклар қоғозга мохорка ўраб
Фамларин тугатар. Май ичиб, чекиб.

Қонуну ҳаётда ҳуқуқимиз тенг,
Офтоб ҳам бир кўзда ташлайди назар.
Фарқимиз фақат шу: феълни тутиб кенг
Осон йиғилардан қиламиз ҳазар!

11.02.82

ЖОКОНДА

Жоконда!
Кечиргин, сен - гўзал, маъсум,
Тўймайди ҳуснингга ҳеч қандай эркак.
Термилмоқ мен учун бўлмагай насиб,
Айғоқчи рашкни деб яшайман сергак.

Кечиргин, севаман қадду суратинг,
Севаман ғамгинлик, жилмайишингни.

Сен сари бормоққа етмас хуръатим,
Кўп билгим келади кўрган тушингни.

Кўп билгим келади дунё санъатин,
Аёллар ҳайқирар "Гўзалликмиз!" деб.
Ҳар нега қодирдир улар лаънати,
Энг қайноқ бўсалар улар учун зеб.

Жоконда!
Кечиргин, ичаман шароб,
Ахир, май энг сулув қизларнинг ашки.
Май номин суйласам этади хароб
Карима исмли дилбарнинг ашки.

Жоконда!
Кечиргин, сен - маъсум, гўзал,
Орзуйим ҳамзамон умрингдай узун.
Яланғоч суратли ёрларга ҳар гал
Айтолмай яшайман "Севаман!" сўзин.

Жонларни тўлдириб тортмасман мулзам,
Бу ўпич хиёнат аталсин нега?
Наҳотки, тақиқлар термулмоқ бўлсам
Нимочиқ тош ҳайқал Афродитага!

Тортганми эркаклар кўзи сира тўқ
Очиқ тан ёрларга нигоҳ тиккан дам?
Не қилай, боқмоққа менга рухсат йўқ,
Рухсат йўқ, ҳайқалу суратларга ҳам!

Не бўпти, Жоконда,
Термулсам бирров,
Айтсангчи, недан ҳам бўлардим жудо?
Севгилим расмига лек боқса бирров
Шундаги рашкимни кечирсин худо!

19.09.82

ХУНУК ҚИЗ ТИЛОВАТИ

Мен ёмон кўраман гўзал қизларни,
Йиллар ҳам саргайтмас уларнинг тусин.
Камситма мендаги ёниқ ҳисларни,
Эй тангрим, қизғонма, қарзга бер ҳусн?

Раҳм этинг, бир нафас, гўзал жувонлар,
Аёлман, кўнглимнинг очилсин сайди.
Кўзимда қор каби қотади тонглар,
Наҳотки, эркаклар сиздан ортмайди!

Майлига яшайин ишқ-муҳаббатсиз,
Шаънимга ҳеч қачон битилмасин шеър.
Маъбудам, мадад бер, кунларим тотсиз.
Маъбудам, айб этма, керак битта эр?

Яланғоч қиз каби кўкда чопар ой,
Лозимсиз булутлар гоҳ шаррос кўяр.
Энг тўлин умримни беряпманки бой,
Қайноқ кўз ёшлардан юзларим куяр.

Лабларим қовжирар шундоқ бедаво,
Тинимсиз тепади қалб қафасини.
Наҳотки, зурёдни кўрмасман раво,
Наҳотки, туймасман ёр нафасини?!

Сочларим силамас ул дағал қўллар,
Табиат, қасосинг айт, менга нечун?
Кел ўзинг ҳусндан озгина қўлла,
Раҳм қил, бир ёрга етишим учун!

4-28.10.82

АГАР КЕТСАНГ...

Насиб этса ёруғ васлинг,
умид орзум хазон бўлмас.
Агар кетсанг, бу қисматнинг
тунида сўнг азон бўлмас.

Чидай қандоқ менингсиз ҳам
сени қучгай осон бахтлар,
Сенингсиз, эй, бу дунёда
яшаш менга осон бўлмас.

Гуноҳ билдим, олов рашқда
ёнишдан четга қочмоқни,
Агар кулсанг, бу осмоннинг
мосий қадди камон бўлмас.

Сизинсам себги ўтига
оташгүй ўйлама ҳаргиз,
Бу ўтни мен худо билсам
ҳазм этмас замон бўлмас.

Изингни тавофи бирла,
қара, қандоқ тирик руҳим,
Изингни терса эпкинлар
анинг умри омон бўлмас.

Худуд Силмас ҳаёлимда
тошар осмон, оқар юлдуз,
Агар кетсанг сомондирман,
само йўли сомон бўлмас.

Ногоҳ ёнсам бу ишқ ичра
Муқанна деб хато қилма,
Назар ёнди деган ҳақни
хаёл қилсанг ёмон бўлмас.
28.10.82

ТОПСАНГ

Топарман хили заъфарни,
Бегонадан баҳор топсанг.
Шодалар англама, кўздан
ёшимни сен қатор топсанг.

Йироқ кетсанг қора кийгай
шу чоқ ҳамма хилим сенсиз.

Ана кўксим равоқида
ҳаёт тинмай урар “дук-дук”,
Ишонмайсан нечун, жоним?
тухтар юрак милим сенсиз.

Мучалим от, чавандозман
муҳаббатнинг “улок” ида,
Бу не хўрлик, куён бору
мучалсиздир филлим сенсиз.

Сочинг сели сочар сирлар
солиб сабримга сояни,
Сўроқсиз санчигин санчар
софинч силққан силим сенсиз.

Кулишларинг оқар дарё,
оқар кўзим булогидан,
Қурур икки булогим ҳам,
қурур теран нилим сенсиз.

Топар қайдан паноҳ-маскан,
муҳаббати сағир қолса,
Назарсиз қолса ул Назар,
етим қолгай дилим сенсиз.

64-АВТОБУС

Ишхонадан бирга чиқамиз,
Кенг кўчанинг ҳеч йўқдир тинчи.
Хабардордай етиб келар тез
Қизил тусли “Олтмиш тўртинчи”.

Мен, Бахт ва Сен чиқдик баробар,
Қўл силкийди ҳар битта дарахт.

Жоним, ҳаёт, айт, бунча лобар?
Ўртамизда жим ўтирар Бахт.

Одамларда безовта ҳолат,
Турганларнинг тутқичда қўли.
Баъзан мени қилур хижолат
Эсдан чиққан автобус пули.

Сўнгги бекат...
-Энди қаерга?
Сиз Олойга, мен Қўйлиқ томон.
Сен Бахт билан кетасан бирга,
Мен қайтаман бир ўзим ҳамон.

Ёлвораман.
Севгилим, ишон,
Муродига ҳар инсон етсин.
Қизғонмагин, ўша Бахт бу он
Бир боргина мен билан кетсин?!

Қизғонасан!
Кетаман ўзим,
Кенг кўчанинг ҳеч йўқдир тинчи.
Аммо бошқа Бахтларни шу зум
Олиб жўнар "Олтмиш тўртинчи".

23.11.82

Келмадинг. Юзимдан ёш юмалади,
Соғинчим тоғидан тош юмалади.

Теграмни англамай йўқотдим хушни,
Нетай, бу елкадан бош юмалади.

Шаҳарнинг шовқинин қўйдим тингламай,
Билмадим, қайгадир Шош юмалади.

Сени деб овора ўтмоқда умрим,
Ўтмишим сари кўп ёш юмалади.

Гул, чечак унган деб боқсам изимга,
Ортимдан кўлага, лош юмалади.

Қарагин, тошларга қоқилиб сенсиз
Назаринг ҳаммага фош юмалади.

11.12.82

Севгисиз дилларни боғлаб бўлмас, ер,
Севгисиз қисматнинг туташмас йўли.
Паспортга урилган муҳр ҳам бекор,
Бекордир муҳрдор одамнинг қўли.

Бегона экан то жуфт ёниқ ҳислар
Кўшилмас уй-жойинг. Бўлсин шоҳона.
Боғлолмас бу йўлни ҳатто ЗАГСлар,
Бўлолмас боғлаш-чун фарзанд баҳона.

2.01.83

Яшашдан чарчасам сенсиз, ёрима,
Ё таскин топмасам гулгун майлардан.
Ҳаёт бу айбимга солса жарима
Тўлашга меҳрни топай қайлардан?

Вужудим кўмилгай сатрларимга,
Жисмимни қучгай бу имлоли мозор.
Гулларнинг тўзғиган атирларига
Бепарво бўлиб мен бергайман озор.

Титроқ куй оқади тўлиб сойларда,
Таъбларни гўзаллик айлагай равон.

Бўм-бўшман, эй меҳр, қолдинг қайларда?
Ҳаётга тўлашим шарт сендан товон!

Беқарор умримнинг тингай шовқини,
Йиғлама, бўлди, бас, ҳаммаси ёлгон?!
Васлингсиз англолмай дунё завқини
Хунобман, тўлолмай меҳрдан товон!

Бу гулгун атрофга боқмай, ёрима,
Таскинлар топяпман мунгли найлардан.
Ғам чексам бу ҳаёт солгай жарима,
Мен сенсиз шодликни толай қайлардан?

17.03.83

ТИЛМОЧСИЗ ҲИСЛАР

Тилмоч тополмадим сизга, ҳисларим,
Азиз туйгуларим, бугун алвидо!
Ҳатто тушунолмас ёру дўстларим,
Демак, мен, қандайдир хаёлга фидо.

Турфа гирдобларга келдим кўндаланг,
Яширдим юракдан чеккан додимни.
Руҳимга тош бўлиб теккан ҳар алам
Кумларга сочади истеъдодимни.

Йўлларга сочилар умрим япроғи,
Эй қадрим, яхши қол, мен кетдим, хайр!..
Бу саёқ сафарнинг борми адоғи?
Телба де, айт, ахир, манзилинг қаер?

Тушовсиз дардлардан юрдим ҳол-беҳол,
Озод ўйларимга ташладим тузоқ.
Асқд чавандознинг шиддати мисол
Қашқа ҳам қаршимда ҳайқирмас узоқ.

Куёшга кифтини тутган адирлар
Совиган шахтимга беролмас ҳиддат.
Хайр, эй, тилмочсиз қолган, сатрлар,
Сизга ҳам етишмас аввалги шиддат!

Давридан ким тўйса, ношуддир у зот,
Ҳеч дилни бездирмас бундаги сеҳр.
Наҳотки, уфқлар сингари узоқ
Ҳисларим тилмочи - номаълум меҳр?!

Меҳрсиз яшамоқ - бу жонли ўлим,
Мудҳишдир жасадлар юрса қабрсиз.
Кела қол, севгига айланган, гулим,
Мен сени англайман тилсиз, таъбирсиз!

Туйғусиз касларнинг ҳаёти ёлгон,
Рост яшай! Бездирди нотинч ниждолар.
Яшашни рад этгай ҳар қандай инсон
Ўтли ҳисларига айтса видолар!

6-9.04.83

УЗОҚ ЁҚЛАРГА

Кўшиқларим айтмай кўяман:
Сўқмоқларга, гулзор, боғларга...
Дардларингда қаттиқ куяман
Ёрим, кетсанг узоқ ёқларга.

Шеърим билан бўлганман дармон
Ишқ йўлида юрган "тоқ"ларга.
Қилгайман-ку поёнсиз армон
Ёрим, кетсанг узоқ ёқларга.

Ташлаб қочар сойлар беомон
Ўз онаси - боқмай тоғларга.
Қолурман жим шу тоғларсимон
Ёрим, кетсанг узоқ ёқларга.

Эргашадир ортингдан толлар,
Қайтмас балки бахтли чоғларга.
Толе ваъда этолмас фоллар
Ёрим, кетсанг узоқ ёқларга.

Хаёт - дарё. У оқмас равон,
Сингдим гоҳо қора, оқларга.
Бўлур ҳамма байтларим ёлгон
Ёрим, кетсанг узоқ ёқларга.

Туғилганман сени деб асли,
Чидайдирман энди доғларга.
Назарингни кучгай қиш фасли
Ёрим, кетсанг узоқ ёқларга.

15.06.83

Кунларим оқади кунботар томон,
Уларнинг чашмаси - тоғли кунчиқар.
Во ажаб, васлингсиз қоляпман омон,
Сўзласам сўзларим ярим, жўн чиқар.

Йўлақлар изимиз кўрмоқ истайди,
Сочларга тўкилмас толнинг шивири.
Ногаҳон ўзимни атайман дайди,
Булуғлар - осмоннинг топ-тоза кири.

Кувончга ўроғлиқ сенинг ҳар ёнинг,
Хаёлбанд суратинг сувларга инди.
Сулуви бўлсайдинг Қашқадарёнинг...
Тош қотган армоним жаранглаб синди.

Сен борсан, ўлимга кетмасман чўкиб,
Хаётга чорлайсан мисли бир маёқ.
Қаламим бараққа ҳарфларни тўкиб
Эҳтимол қалбингга қўймоқда оёқ.

Қийнайсан сен мени соғинч билан хўш,
Қошимда кўраман ажални ўлик.
Бошим бу - ўйларга тўла тирик тўп,
Юлдузлар - осмонга тўкилган ўрик.

Куёшни коптоқдай ўйнатиб яна
Кунларим оқади кунботар томон.
Совқотган оловдай титрайди танам,
Ва муздай ҳажрингда ёняпман ҳамон!
7.07.83

Кўлингда чертилар дутор эмас, йўқ,
Тап-таранг тортилган асаб торларим.
Жисмимга таралгач жаҳл отли куй
Тошдай итқитилар севгим, зорларим.

Минаман бу асов ғазаб отига,
Муҳаббат, бахтимни қиламан улоқ.
Қарагин, омадим кетар ортига,
Эркаклар йиғламас! ...йиғлайман бироқ.

Эвоҳ, келтирдимми эрларга иснод?!
Унда мен ланъатлар олган қув банда.
Пандларим рад этиб юрак солгай дод:
- Эркаклар йиғлайди қаттиқ севганда!

22.11.83

РАШКИМ...

Демак, бездирибман рашк билан сени,
Туфлашга тайёрсан севгим юзига.
Билмайман, нималар кутади мени,
Қарайман уфқнинг қонли кўзига

Демак бош олиб кетмасам бўлмас,
Бир томчи меҳринг бер, босай чанқоғим.

Гар кўрсанг қорамни, кўзларинг кулмас,
Мен учун тугабди севгинг, чақмоғим?!

Демак, бас қилмоқ шарт зорланишларни,
Қайтайин осуда мағрур чоғимга.
Ёнига борайин бор танишларинг,
Айтайин, кўнганин кузни боғимга.

Демак, бездирибман сўраб эрта-кеч,
Қаршингда чиқдимми оғир "уф" лайсан.
"СЕВАМАН!" демасман сенга бошқа ҳеч,
Севгимнинг юзига чунки туфлайсан!

2.01.83

ҚИШЛОҚ ЙЎЛИДА

Эшилади тупроқлар қалин,
Уст-бошимни қоплай бошлар чанг.
Силкинади адирлар ёли,
Иссиқ ҳаво ҳолни этар танг.

Чиқиб охир йўл чеккасига
Шим-кўйлакни қоқа бошлайман.
-Бу йўл асфальт бўлмаган нега?
Мен ўзимга савол ташлайман.

Ногоҳ эсар иссиқ шабада,
Чанглар келар дарғазаб оқиб:
- Бизни эмас, соғиниб қучган
Болалигинг ташладинг ҳоқиб!

Тупроқ йўллар оғринар бирдан:
- Сени кутдим ичиб кўзёшни.
Мени четлаб сен тошлар билан
Орзу қилдинг кўмиб ташлашни!

Дард зўридан портлайди қуёш:
-Ўполмадим шаҳарда тўйиб.

Юзларингни беркитдинг бунда
Манглайингга қўлларинг қўйиб!

Якка дарахт сўрар:

- Сенмисан?

Бошинг эгик, сўйлагин, не сир?!

Келганингда бу гал дўпписиз

Танимабман узоқдан, кечир!

Қучоқлайман дарахтни қаттиқ,

Бор танбехлар туюлади бахт:

- Турибсанми ҳали ҳам йўлда

Бу тупроққа содиқ, эй дарахт?

6.04.81

ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК

Сочилиб кетганди халқим ҳар тараф,

Сочилиб кетганди сўзлар ҳам бутун.

"Оқ танли" тил эди форсий ва араб,

Туркий тил - "Қора тан", туркий тил - юпун

Охир туркий сўзлар чидолмади, бас,

Бари тил толишди,

Бари сирлашди.

Қошғарий шахтидан туйдию нафас,

"Девону луғотит турк" да бирлашди!

1981

Сенга очдим қалбимдан қабр,

Ичида йўқ аммо жасадинг.

Бу даргоҳда кутдим бесабр,

Соф кунларинг қўзғар ҳасадим.

Муҳаббату соғинчларимни

Тупроқларга кўмдим имконсиз.

Вужуд номли тобутда энди
Армонларим ётибди жонсиз.

Ўзга уйда, ўзга оғушда
Сен яшайсан бахтиёр, тирик.
Ҳайкалдирсан хаёл ва тушда,
Чалай десам рубобим чирик.

Йилларимда - ёз, куз, совуқ киш,
Баҳорим йўқ! Титрайди эт-лаб.
Кўчиб тушган ундан катта ғишт,
Ҳар кўкламни ўтаман четлаб.

Мен ахтарган бахт гуллари, ҳа,
Ёт ҳовлига тургай сочилиб.

Юрак отли мозоринг эса
Жасадингсиз ётар очилиб!

1982.

Кўзёшларим қўнар ерга эринмай,
Юрагимга ботган туннинг излари.
Менга талпинишга қўйдинг уринмай,
Исмингга айланди бари сўзларим.

Тор қалпоқдай сиғмай бошимга осмон,
Кўёш ўтган йўлдир ул сомон йўли.
Дардингда ўртанмоқ бунчалар осон
Ҳануз қувонмоққа етмайди қўлим.

Киприкларинг - қаро кўзларинг нури,
Нигоҳинг мен томон энди чўзмас бўй.
Шундай бўм-бўш ётар қалбимнинг тўри,
Кел, бўм-бўш бу тўрга қадамингни, қўй!

Оёғим остидан думалагудай
Ягона паноҳим - кўм-кўк сайёра.
Муаллақ бўшлиқда сўнг қандоқ чидай,
Заминсиз бўлурми умрим овора.

Мен сари чўзмагай, наҳот, қалбинг қул,
Манзил эмасманми васлингга сенинг?
Номалум ёқларга олмоқдаман йўл,
Бироқ юртдан кетмас оёғим менинг.

Қочиб кетолмайман ўтли ҳислардан,
Бу бевош гирдобга яшайман тутқун.
Кечаси тийра Тун юрган излардан
Барибир, ахтариб топмайман учқун!

Ичаман ғамларни! Қалбимдир қадаҳ,
Вужудим - энг аччиқ шароб тўла хум.
Устимдан бахтсизлик қилмоқда мазах,
Бу кунга қўймагин, қайдасан орзум!

Бугуннинг фолсифат ойнаги билан
Тақдиримда кўргим маъсуд чоғингни.
Кўзим, қулоқларим асло олмас тан
Бировнинг бағрини жой этмоғингни!

Қара, кўзёшларим чарчамас томиб,
Ахир, юз бурмаган сендан ҳам армон.
Севгидан рўй рост яшадик тониб
Қандайдир хатолик туфайли ҳар он.

1981.

Қулгинга тақлидлар қилмоқ бўлар ой,
Ва лекин топмайди Тошкентдан сени.
Соғиниб у шўрлик бўлар охир ёй
Қайси бир тош теккан кўнгилдай синиб.

Негадир сенингсиз бу шаҳар бўм-бўш,
Сен кетган кунданоқ ой ҳам яримдир.
Жанубга учдингми ё бир мисли қуш?
Гўзалим, дегувчи тиллар ҳам жимдир.

Юлдузлар юзида кулгининг изи,
Сени олиб кетган қайси бахтли йўл?
Кўп қўллар толиқмас суратинг чизиб,
Йўлаклар йиғидан бўлмиш жиққа ҳўл.

Қуёшнинг "оҳ"идан қизиган само
Ўзига излайди намхуш бир салқин,
Ҳеч соя ахтармай ошиқлар аммо
Ер чизиб номини этарлар талқин.

Йўлларга ёзилган "Мухаббат" сўзин
Дарахтлар ўқийди тик қаддин бўкиб.
"Мухаббат" сўзлари нақадар узун,
Офтобнинг кўзлари толиқар ўқиб.

Тунда ой ёритса йўлларни чандон
Юлдузлар ҳижжалаб ўқир исмингни.
Ҳозирча тополмас Ўзбекистондан
Уларнинг ҳеч бири сенинг жисмингни!

1982.

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА

Бу кеча соқчидай сергақдир киприк,
Қорлар арафага қўнишар чўчиб.
Эски, Янги йилга - бедорлик кўприк,
Ундан ҳеч ким ўтмас тушларни қучиб.

Эски, Янги йилга - бедорлик кўприк,
Ўтар бу кўприқдан: кулгу, куй, арча...
Соқчидай кўриқлар бу тунни киприк,
Мужгондай бедордир уйларда барча.

Уйқулар қутмайди Янги йилни ҳеч!
Бировлар кўксига ярадор тўлғоқ,
Одамлар бедорлик кўпригида зич,
Чироқлар, қадаҳлар, қутловлар уйғоқ.

Календарь бандида Машрабга ўхшаб
Осилиб турибди жадди - сўнгги барг.
Япроқ ҳам бандидан узилиб, ё раб,
Шоирдай этади сиртмогини тарк.

Тўкилиб соб бўлди, не тонг, бир йўла,
Эски йил қопидан фурсат донлари.
(Бизнинг умримизни кетди-ку улаб
Янги йил ипига митти онлари!)

Қалқийди қадаҳда майлар қалб каби,
Ойнага нақш чизган қишнинг бўрлари.
Уэрли дўстингдай қатнашолмади -
Фақат бу даврага қуёш нурлари.

Ана, Янги йилнинг енгил қадами
Яқинлаб келмоқда хонамизга нақ.
Шу зум бонг уришга ҳозирланади
Ойнанинг ичига беркитилган вақт.

Қадаҳлар жаранглар. Янги йил ғолиб!
Дийдордан тартади юраклар ҳам кенг.
Сўнг, ғуж-ғуж ёшларни қопидан олиб
Бир ёшдан улашар ҳаммамизга тенг.

1979. 31.12.

...ГА

Бевафо ёр, бахтингга оқ йўл,
Бўлсин кутган толеинг насиб.
Ҳа, жуфт бўлсин сендаги тоқ йўл,
Тегсин, ахир, кўксингга насим.

Мана, мағлуб қаламим синди,
Куйламасман васлу шаънингни.
Ғазаб билан эслайман энди
Сен бағримга ташланганингни.

Турар эдинг унсиз жавдираб,
Қотил экан аммо кўзларинг.
Ваъдаларинг кетди-ку нураб,
Нураб кетди тоғ-тоғ сўзларинг.

Ул беҳабар ёрни алдама,
Келсин, майли, ҳақиқат голиб.
Менга ҳеч қул тегмаган, дема
Фарзандингни ўртага солиб.

Айтгин, очиқ барини бутун,
Бош эгилса узолмас ҳеч ким.
Ўша ёлгон кунлардан бугун
Афсус қилмай мен осон кечдим.

Ҳақингда рост шеърларни ёзиб
Солган эдим ҳар бир кунга из.
Қийналсам-да, кетсам-да озиб
Кечолмайман улардан, эсиз!

Қалб ҳақида лекин қотма сўз,
Кечирмагай бор бўлса худо.
Қалбни солар орага ҳар кез
Аслида ундан ким бўлса жудо!

Орттиргандим минг бир ғавғони,
Бўлган эдим сени деб бадном.
Оғир кунда кетдинг-ку тониб,
Бундай кимса қалбсиздир тамом!

Сендан энди айрилиқ мерос,
Учрашмоқни кўрмайман раво.
Ўзга ёрга, фақат илтимос,
Қалбим бор, деб қилмагин даъво!

1982.

ШАҲАР

Заводлар нафаси ўрлар қол-қора,
Автолар чилимин чекар тонг сахар.
Уйқусида тортиб юборар наъра
Бетон тўшагида тўлғониб Шаҳар.

Чинқириб ухлатмас электровоз,
Безовталиқ қилар оромин таъқиб.
Адашиб қолмасин деб бирор шоввоз
Ухлайди кечаси чиққони ёқиб.

Қават-қават уйлар нақ кўкрагида,
Кўчалар-бир гала шовқинлар ини.
Нимадир гулдирар ернинг тагида!
Тин олар, англагач метролигини.

Кун сайин ташилар мрамор, бетонлар,
Биолар бўй-баста бормоқда ўсиб.
Унинг нигоҳидан атрофни баттар
Шу улкан жуссалар қўймоқда тўсиб.

Шаҳарнинг тушида: ям-яшил кенглик,
Димогин тўлдирар муаттар ислар.
Бу ерда симлардан ушламас қаттиқ
Йиқилишдан қўрққан троллейбуслар.

Ўтларга қўмилиб укаси - қишлоқ
Дехқондай меҳнаткаш ўйларин жамлар.
Ер жиндақ силкинса, баланд қаватдан
Тушолмасдан шошиб қолмас одамлар.

Шаҳар кун қовжираб, чўзилганда ёз,
Ёмғирни уч-тўрт ой соғинар тамом.
Фубору дудлардан бўлса-да лоҳас
Иссиқда ис босиб қилолмас ҳаммом.

Биолар бўй чўзар кўкрагин эзиб
Автолар "чилимин"ин чекар тонг сахар.

Шовқинлар уйқусин юборса бузиб
Йўталиб-йўталиб уйғонар Шаҳар.

1980.

УЧЛИКЛАР

* * *

Сенсиз яшадимми?..
Тирикман-да,
Ишонмайсан!

* * *

Қочма, итлар баттар қувлашади.
Фоз юрсанг -
Сени ботир ўйлашади.

* * *

"Жаранг-журунг... жаранг-журунг-г..."
Шамол-ей,
Япроқларни бунча тебратмасанг?

* * *

Тагин Олам ташқарида қолибди-да.
Эҳ бу кеча ҳам...
Уйга киритишни унутибман-а.

1978

ЎЗБЕКИСТОН СЎЗИ

Тоғлар - елкам.
Аму, Сир - арқон.
Орол денгизи - сувдон.
Аму, Сирни елкамга илиб
Қўтариб юраман Баҳри Оролни.

Қаттиқ ҳазирамада
Чанқайин нечун?!

17.11.81

* * *

Камтар бола эдим - жуда тортинчоқ,
Билмасдим нималар ёзилган хатда.
Ҳаётда ҳар нарса кўринарди оқ,
Ишончим ҳар недан шундайди катта.

Ўрганмаган эдим ҳарфларни ҳали,
Тингламас эдик ҳеч вақтлар хитобин.
Мен ойдин ҳаёллар сурган маҳали
Чанг босиб ётарди Ҳаёт китобин.

Тўзғитиб чопардик йўллар чангини,
Либосин гардидан уяларди Ер.
Тўзғиган йилларнинг олпоқ рангини
Мен қайдан билардим, бўлишини шеър!

Катталар гапидан тўймоқ-чун маъни
Англаб, гоҳ англамай тугардик қулоқ.
Жанглардан соғ қайтган Усмон акани
Бировдан ўрганиб айтардик чўлоқ.

Ногирон зотлардан нафратим кўзиб
Катталар сўзига тақлид қилардим.
Бу ноҳақ ғазабим шахтини бузиб
Унга шеър битишим қайдан билардим.

Кўп орзу қилардим катта бўлишни,
Билмаган оламим ҳудудсиз ва кенг.
Истардим, бўйимни бир куни ўсиб
Бўлишини улкан ишончимга тенг.

Ишончим сингари бўлай деб катта
Нақадар шошардим улғайиш сари.
Ҳижжалай бошладим сўзларни хатда,
"Алифбе"га томди кўзим нурлари.

Момомнинг эртагин ботирларин ҳам
Серрасм китоблар ичидан топдим.
Эртанинг номаълум сатрларин ҳам
Харфларнинг қаланган кучидан топдим.

Мен шундай улғайдим, аммо бир куни
Мурғак эътиқодим бир кимса еди:
-Айт нима қиласан ёлгон чўпчакни
Ҳаётий китобдан ўқигин, - деди.

Ўлғайиб эртакка айтдим алвидо,
Ҳаёт китобининг чангларин артдим.
Рухимда жодугар қилмади нидо,
Қушларнинг базмидан ўзимни тортдим.

Ўлғайдим кун сайин. Илк севги. Ҳижрон.
Ишончим тоғидан тошлар қулади.
Ер узра ётибди, қара, эй инсон,
Катта ишончимнинг минглаб бўлаги.

Ошнолар орттириб қувондим дастлаб,
Унутди сўнг кўпи яшаб кетса тўқ.
Ишончим, кетсанг ҳам анчайин пастлаб
Ота ва онамдан меҳрибоним йўқ!

Ишончим, бўйимиз бўлибди бирдек,
Сен ахир, кўп чўқдинг, мен тинмай ўсдим.
Жаҳд билан сен каби катта бўлай деб,
Сени кичрайтириб қўйибман, дўстим?!

Бадқовоқ кимсалар қорани оқ деб
Ёзди-ку ҳаётнинг варақларига.
Қаддини ёмирди фасодлар оқиб,
Ушалдинг, тоб бермай яроқларига.

Термулгим келар илк қаддингга тўйиб
Мен қайтиб ўша соф эртақлар томон.
Лек ҳаёт китобин бўлмайди қўйиб,
Қўлларим ўқишдан бўшамас ҳамон!

24.03.82

Биламан келмайсан мен қийналганда,
Қилмайсан тоқ қолған толга парво ҳам.
Ўзга ёр қўлида сен сийланганда
Йиғлайди хув олис Қашқадарё ҳам.

Гиёҳлар, дарахтлар бош чайқар хануз,
Сувларда қалқийди юлдузлар расми.
Биз севган нарсалар кузида афсус,
Маъюс кечар ҳатто япроқлар базми.

Бугун тоб беролмай бизнинг фироққа
Ёшларин артади булутларга ой.
Кемадай гарқ бўлдик йироқ-йироққа,
Шом тушгач ёт ерга соляпсанми жой?

Не қилай, васлингга қалбим яшар оч,
Севгига тўймайди юракнинг қаъри.
Умримга осилган армон деган тош -
Ипларин узади ҳар қандай дорнинг.

Агарда эришсам...
Ишонмадингми -
Ҳаққингда нечоғлик битишимга шеър.
Ҳаттоки ёздирар рашк ҳақда тинмай
Ишқда мағлуб этган - сенга ҳамдам эр!

Дунёнинг беминнат ҳузури эмас,
Қийноқлар берармиш шеърга ортиқ зеб.
Ё шундан оттингми айрилиққа даст,
Зўр шоир бўлсин у хижронимда деб.

2.04.82

ОЛАПАР

Олапар кўп ювош кучукча эди,
Юмалаб чопарди бўлса ўт-алаф.

Жигига тегмасди ҳар кимнинг ҳиди,
Ким келса ўйнарди эркалаб, ялаб.

Ювош, эркалиги уй эгасининг
Чилпарчин этарди умидларини.

Хуноби ошарди:

-Нега ажратмас,
Биз ва бегонанинг юз, ҳидларини?!

Ва чарм ип билан боғлади уни,
Кучукнинг бўғилди ихтиёр, эрки.
Кўп фингшиб нолалар қилди шу куни,
Кўзига кўриниб ҳар нарса чиркин.

Фингшиди, ногаҳон ёдига келиб
Товуқларни қувиб қочирганлари.
Ва думбоқ кўзичоқ бир калла қилиб
Виқорла ўзидан этганин нари.

Энди-чи, келганлар четлаб ўтар сал
Силамас юнглари билмайиб, қулиб.
Кучукча билолмай ўз айбин тугал
Каттакон итлардек юборди улиб.

Эгасин кўзида кўрди жилмайиш
Илк бора хурганда одамларга у.
Ташланди ўшанда унга суяк, гўшт,
Зангор ҳавончада келтирилди сув.

Сўнг хушбўй туюлди эгасин ҳиди,
Бу ҳидни қизғонди бегоналардан.
Ким келса ер тирнаб ҳуради энди,
Хайрият, чарм ип қўйвормас ҳар дам!

Бу фурсат яшайди заб қорни тўйиб
Эркини алмашлаб таом тузларга.
Гуноҳкор эгасин ортиқроқ суйиб,
Ташланар энди у гуноҳсизларга!

25.04.82

Тоғларга бош олсам туриб тонг саҳар
Йўлимни ўради хур қуёш ёниб.
Бош олиб кетардим, қайтармаса гар,
Фақат сен йўлимга чиқмайсан, жоним.

Ҳеч кимга сездирмай нақ ярим тунда
Осмонга кетмоқни қарор қилсам жим,
Юлдузлар йўл бөрмас чиқишиб шунда,
Фақат сен йўлимга чиқмайсан, жоним.

"Севгилинг менман!" дер қип-яланғоч ой,
Йўқ, йўқ сен ҳаёли. Сен - ор, имоним.
Йўл юрсам пешвоздир қанча дарё, сой,
Фақат сен йўлимга чиқмайсан, жоним!

Боғларга чиқди-ку сен севган қушлар,
Уларнинг куйида азалий қонун .
Кўзимдан қуюлиб чиқса ҳам ёшлар
Фақат сен йўлимга чиқмайсан, жоним!

Шеърларим рўйи-рост ҳаётга шама,
Яшашдан бир қуни қўл силтар таним.
Узатиб қўйгали чиқса-да ҳамма
Фақат сен йўлимга чиқмайсан, жоним!

30.05.82

Бахтлисан, мен сенга шеърлар ёзаман,
Авайлаб айтаман исмингни, жоним.
Севгингдан нақадар покман, тозаман,
Сойларнинг авжига жўр оқар қоним.

Бахтлисан, қуйлайман юз-сочларингни,
Қувончда ҳаммадан яшайсан ўзиб.
Мен каби тўкмайсан кўз ёшларингни,
Соғиниб қолмайсан ўзидан-ўзи.

Сен мени ҳар куйга мумкин солишинг,
Муҳаббат мулкида тожли, тахтлисан.
Сўроғлаб тураман зимдан ҳол- ишинг,
Сен эса бепарво яшаб бахтлисан.

Жон ютиб бир кунни очаман юрак,
Бахтлисан, осон рад этишинг мумкин.
Умримни тун отли кафанга ўраб
Шунда ҳар эртамни айтайми: шум кун?!

Ҳеч қачон сотмасман эътиқодимни,
Мен учун - ягона, кескин, шахтлисан.
Ўқимай шеъримни, айтмай отимни,
Севгилим, севгилим жуда бахтлисан!

Киш ҳайдар жанубга турналар сафин,
Жанубга ҳайдайди саратон, кузни.
Ариқлар яхлайди йўқотиб гапин,
Кўлларга оқ қопқоқ этади музни.

Шудгорлар совқотар баҳорни кутиб,
Дилдирар яланғоч юлдузлар нури.
Музлаган ҳавони бўлмайди ютиб,
Очликдай санчикдан улийди бўри.

Иссиқ либосларга шўнғийди умрим,
Кийимсиз бўлса ҳам совқотмас вақтлар.
Ёшлигинг кетишга шайланар, қумрим,
Ва... сўлғин тортади. Ортадаги бахтлар.

Истардим бахтларнинг музламоғини,
Аммо у жой этди ёз оғушини.
Негадир хоҳлайман шу дам соғиниб
Онамнинг булутдан қор соғишини...

Раҳмат, қиш, жанубга ҳайдадинг бежанг,
Сариқ саратонни қувдинг овозсиз.
Қувмасдан агарда музлатиб қўйсанг
Ер узра қолардик турнасиз, ёзсиз!

ЯССАВИЙ МАҚБАРАСИ

Биламан , минорлар доим тик, адил,
Эгилмас машриқтус нақшин қомати.
Метин асрларни қоқ ёриб дадил
Бизга етиб келди ўзи, ном-оти.

Улкан дошқозонда қайнади кечмиш,
Асрлар қоврилди унинг ичида.
Ўкпар қори билан ҳил-ҳил пишди қиш,
Наҳотки, ҳаммаси шундоқ бечидам!

Эл окди бу жойга зиёрат учун,
Даҳмани шеър каби қилдилар тавоф.
Бу оққан меҳрдан тонмоқлик нечун?
Халқ севган маъвони севмоқлик савоб?

Асрий қозонларга тушган шеър, ашъор
Минорлар гиштидан заб тортди пишиқ.
Туркийча суйлади "Ҳикматлар" ошкор,
Туркийча таралди учган ҳар қўшиқ.

Қозонда ғарқ пишган шеър, қўшиқларнинг
Ҳали ҳам кетмади юракдан таъми.
Қайнади, тўн-белбоғ тутган халқларнинг
Кўзидан "нажот!" деб қуюлган нами.

Энасой бандига битилган ҳарфлар
Чўкмади теран ўй, дарё қаърига.
Урхун тошидаги забондош дардлар
Ёзилди мақбара пештоқларига.

Шамоллар ўрганди ўқиб бу тилни,
Ўрганди юлдуз, ой ва осмон кулиб.
Охир бу мақбара шундоқ тирилди,
Куйлади сўнг Аҳмад Яссавий бўлиб.

Эл оқди дарёдай тингламоқ учун,
Оломон шаклини олди севгиси.
Қозондан мозийнинг ҳидлари учди,
Таралди қоврилган асрлар иси.

Бу тилда қўшиқлар айтди ярим ой,
Шарт йиртиб тун деган чимматларини.
Шомгача куйлади қуёш хоримай
Ёд айтиб Яссавий "Ҳикмат"ларини!

5.09.82

ТИЛЛАР

Қушлар чуғурлайди, шовуллайти сой,
Барглар қарсагида қандайдир забон.
Қўзичоқ маърайди, қирда кишнар той,
Паноҳида асрар барини замон.

Мусулмон бўлмади қайсар Муқанна,
Ямлади оқибат зътиқоди - ўт.
Ёв уза қай тилда урди қаҳ-қаҳа
Арвоҳи - шу ўтдан кўтарилган дуд.

Сукутга берилган товушсиз бир тил,
Шовқинлар тилида суйлар шаршара.
Суйлар қай лисонда дилларда, эй дил,
Улуғбек шаклида мум қотган яра?

Тарихнинг ўт босган қабристониди
Мангулик тусида гаплашар барча.
Шева йўқ, миллат йўқ дайристониди,
Забонин билмайман шафқатсизларча!

Одамлар гапирар ер узра рангин,
Билмайман, шу фурсат сўзланар нелар.
Овозин рўйи рост англашим учун
Ҳаммасин тилимда суйлатгим келар!.

1982

* * *

Кечиринг юлдузлар, висол дамида
Севиниб куйладим сизни бемисл.
Бу фурсат чўқдингиз ҳижрон гамига,
Сержилва осмоним қолди беисм.

Кечиргин, азизим, соҳилдаги тол?
Куйлаб қўтарардик сени юксакка.
Ушбу кун мен сендан сўролмадим ҳол,
Оҳ, боргим келмайди ёнингга якка!

Мактублар, қутилар буржида йўқсиз,
Пичирлаб айтмайсиз севгим отини.
Йўлларнинг азобин унутиб, тўқсиз,
Наҳот, келолмайсиз энди ботиниб.

Ой, бизнинг бахт билан турардинг тўлиб,
Тепадан сочардинг тиниқ хотира.
Кечиргин, нурларинг қолибди сўлиб?
Кечиргин; шеъримдай тортибсан хира.

Йиғига ўхшайди қўшиқларинг, сой,
Зулумот, бўй-бастинг нақадар ўсган?!
Не қилай, ул ёрни берган куним бой
Ҳижроннинг қўллари кўзимни тўсган!

1982

ТАРИХ ВА МАТЕМАТИКА ДАРСИДА

Тарих дарси ўтар синфда, мана:
Найза-ю ёйлардан инграйди ҳаёт.

Ажалдан тополмай бирон бошпана
Одамлар худодан тилайди нажот.

Математика ўтар қўшни синфда:
Тенглама, кўп ҳадлар, сонлар беадад.
Доскадаги бола худодан эмас,
Аълочи боладан сўрайди мадад.

Ҳамма нафас ютиб тинглар тарихни,
Муаллим қаддини шу чоқ рост тиклар.
-Юз-қўлни ювишни ўрганди шарқдан
Ўнинчи асрда оврупаликлар.

Доскадаги бола тердан жиққа ҳўл,
Кўз ўнгидан ўтар -кўча, тўп, ўйин,
“Эҳ, тарих бўлмоқда қўшни синфда,
Ҳисобни ўрганиш бунчалар қийин.

Қуддусга бошланур учинчи салиб,
На ақиқ, на олтин топди нодон ёв.
Шарт жўнар машриқни елкага олиб,
Шу “ўлжа” нақд тушди қилганида ови.

Доскадаги бола ечолмай охир
Олиб нақд “икки”ни чўқди партага.
Баҳолар одатда енгил ва оғир,
Баҳолар на мансаб, на бир мартаба.

Қўнғироқ чалиниб дарслар битганди,
Болалар “Тарих”дан боши чиқар хам.
Салибчилар Шарқни олиб кетгани
Уларга жуда ҳам қиларди алам!

1984

ГУЛ

Чинакам гул экдик: маъсум, тикансиз,
У вақт ҳам сув тараб, аяб эккансиз.

Яйрадик офтобга томон бўй чўзиб,
Гўзал, деб сўнг кўплар кетдилар узиб.

Ватансиз йигладик, қолдик фироқда,
Сўлган пайт ташландик чангга, тупроққа.

Беозор бўй чўзсак тегаверди тош,
Кўтардик оқибат узлик учун бош.

Бемақсад ким узса санчидик тикан,
Тикансиз яшамоқ, рост, бўлмас экан!..

1983

* * *

Кўйлик йўлларида автолар тигиз,
Қатновлар - кўчага айтилган шараф.
Ундаги чўнг бозор - Тошкентга бигиз,
Шамоллар ошиқар Кўйлиққа қараб.

Нақадар бахтлисан, "Оқ уй" кўчаси,
Сендан рашк қиламан, тўғриси, баъзан.
Мен севган гўзални, нетай, кечаси
Ағёрдай қўйнингга олиб ётасан.

Ёр сочидай қора Кўйлик йўллари...
Мен топган ташбеҳни у қиз билмайди.
Бу жойдан ўтса ҳам одамлар бари
Йўқ, ундан нарига ўтгим келмайди!

1983

* * *

Ниҳоят, қалблардан кетди жароҳат,
Бахтиёр кунларда ҳар ким таъм олар.
Уйларга тонгсаҳар келмас қорахат,
Келади тўй учун таклифномалар.

Урушни билмаган оналар бугун,
Фарзандлар йўлига термулмас муштоқ.

Дарахтлар паноҳдир ошиқлар учун,
Улардан милтиққа ясалмас кўндоқ.

Шумхабар ёпишмас ҳеч бир қисматга,
Эфирдан таралар турфа маъруза.
Бир талай йигитлар ҳарбий хизматга
Тобланиб келай деб бергай ариза.

Барча кўксин тутар бахт деган зарбга,
Имондай уларнинг бутдир ризқ-рўзи.
Авлодлар тиг тутиб йўл олмас ҳарбга,
Жўнайди қуёшнинг фақат бир ўзи.

1983

ТАРОЗИ

Ким харид этаркан қанд, мева, шакар,
Муъжаз тарозида тортилар аввал.
Ҳатто чимдимни ҳам яққол кўрсатар,
Ҳамманинг улуши унда мудом жам.

Харидор уйига қайтмас норози,
Алҳол, у тегишли ҳақиға ҳамдам.
Ўртада ҳақиқат - темир тарози,
Муайян нарсани бермас ортиқ, кам.

...Қайдадир намоиш қилар оломон,
Кимлардир истайди бермоқни барҳам.
Аёнким, у жойда кўпайиб ёлғон,
Ҳақиқат тортилган тарозида кам.

Кимлардир жўр бўлгай уруш сасига,
Тарози - бус- бутун ҳаёт миқдори.
Биз қўйсақ бахт, завқни бир палласига,
Улар бир ёғига қўяр ўқ- дори!

Йилларки тортилар ҳақ ва адоват,
Кўтарар барини елкасида йўл.

Посангги босса гоҳ эрку адолат,
Баъзида ноҳақлик жуда бўлар мўл.

Замин, тарозининг сен бир палласи,
Юртим, бағрингда шод деҳқону касиб.
Бил, фақат сендаги тинчлик алласи
Урушнинг тошларин турибди босиб!

1983

ҚИРДАГИ УЙ

Қирдаги уй бир кун хувиллаб қолди,
Бўм-бўшдир шу ондан тўлиқ вужудим.
Шу бўшлиқ бошга не куйларни солди,
Кўпларни йиглатди шеърдаги дудим.

Бошқа бахт ахтардим, ахтаргандай сув,
Зор кезди хаёлим адашган куйдай.
Шу бахт деб аталдим бераҳм ва қув,
Қунларим хувуллаб қолди ул уйдаи.

Овута олмади чекдаги иқбол,
Оқибат ёт ёққа жимжит кетдим мен.
Ўзга бир тақдирдан топмай истикбол,
Ўзга бир тақдирни поймол этдим мен.

Қайдасан, гўзал қиз қайтадан тўлдир,
Хувуллаб қолган у қирдаги уйни?
Ўйларим васлингга чўзилган йўлдир,
Сен билан тўлганми ёт ёрнинг қўйни?!

Аччиқ бир хотира тўқмоқда виқор,
Илк севги, айт бунча санчийсан тикан?
Вужуднинг лиммо-лим бўлмоғи бекор
Қирдаги уй қўйни то тўлмас экан!

1983

ТОРТИШИШ ҚОНУНИ

физик олимларга

Бир олма тап этиб кучганда ерни
Ньютон шодлиги кетганди тўзиб.
Оламга сигмай у қичқириб дерди:
-Олмани дарахтдан олди ер узиб!

Шу мева тўкканди тортиш қонунин,
Олмадир дарахтнинг таққан шодаси.
Мангулик фармони ила қонуний
Ньютон ул кашфнинг бўлди отаси.

Бир тошни отайлик мовий юксака,
Изига қайтарар куррамиз бироқ,
Замин бор нарсага онадир якка,
Қушлар ҳам узилиб кетолмас йироқ.

Ер сари бурилган ёмғирлар йўли,
Қуёшнинг шуъласи тобора ортар.
Гарчанд бўлмаса-да заминнинг қўли
Уларнинг барчасин ўзига тортар.

Бермади бошқа бир сайёраларга,
Кераксиз тошни ҳам еримиз сира.
Соғиниб термулди тайёраларга,
Термулди кўнгунча - маънос ва хира.

Хаёллар узилиб учолди фақат,
Орзулар тизилди дилда мисли чий.
Ул лоқайд бўшлиққа қилолмай тоқат
Фазога ёрилди Циолковский!

“Сунъий йўлдош”ларни учирдик тинмай,
Қуввати етмасдан ночор қолди Ер.
Тортиш қонунига охир буйсунмай
Уни мағлуб этди буюк тафаккур.

Узоқ Шарқ даҳшати кетмас ёдлардан,
Эй Альберт, чўчима, келсанг-чи бери?!
Атом бомбаларин самолётлардан
Наҳот, тортиб олди японлар ери?

Ньютон, ер чизма саволларимдан,
Баъзан тоқ чиқмоқда санаган тўртим.
Фашистлар галасин, наҳотки зимдан
Йўлларин ўзига буролди юртим?!

Ньютон, тўзийди Ливан ерлари,
Гўдаклар юрагин топиб келар ўқ.
Тушунгин, тинчликка интилар бари,
Уларнинг кўксида тортиш кучи йўқ.

Бағрига чорлайди биздаги ҳаёт,
Тинчликни севмоқлик наҳотки хато?
Дунёни ёритмоқ истасак ҳайҳот,
Қуёшни нишонга олмоқда НАТО!...

Дарёлар денгизга ошиқар нечун?
Оёқдан тортади нега кин, бўҳтон?
Пайқаган эдингми бу тортиш кучин?
Бу конун сирлидир ҳамон!

Олмалар бандида тилсимотлар жам,
Қудратли жумбоқлар ётибди карахт.
Назарсиз шундай куч -қонунларни ҳам
Эҳтимол туғмоқда ҳар битта дарахт!

1983

УМРИМ ЙЎЛЛАРИДА...

Қорлар кўмди ортимдан тизилган йилларимни,
Аёз урди, қанчалаб аяган гулларимни,
Баъзан топдим, баъзи пайт йўқотдим йўлларимни,
Қачон борсам ёнига дўстандин ширин ош бўлди,
Қай бировнинг дастидан еганимда тош бўлди.

Бу норавон дунёда феълим изга тушмади,
Муҳаббатсиз, севгисиз дилим изга тушмади,
Айтаман деб ҳақ гапни тилим изга тушмади,
Изга тушиб йилларим охир ўттиз ёш бўлди,
Мен ахтарган нарсалар гоҳ ёр, гоҳо лош бўлди.

Умр ўткинчи экан қизлар ҳусни мисоли,
Сатримга насибмикан мангуликнинг висоли,
Нетайин, ўрним қолди Қашқадарёдан холи,
Юрагимнинг манзили гавжум шаҳри Шош бўлди,
Дўстлар дардим тутса сир, душманимга фош бўлди.

Ҳаётда гар қоқилсам қалам юпанч, шеър юпанч,
Қаллобдан қилдим ҳазар манглайдаги тер юпанч,
Одам кетса оламдан тупроқ юпанч, ер юпанч,
Назар қувонч-гамингни кўтарувчи бош бўлди,
Шунданми менда бардош, гоҳ бир дарё ёш бўлди.
1983.

СЎЗЛАР ВАЗНИ

Вазнсиз ўйламанг, сўзлар хўп оғир,
Симларни ўхшатманг худди сочларга.
Рост, раҳмим келади, елкаси яғир -
Саф тортган ху ўша симёғочларга.

Кўпларнинг шарҳ этган соғинч, умиди -
Тушунинг, бутунлай узилган бир қарз.
Ёғочлар гар йўғон бўлмаса эди
Синарди симларни кўтаролмай - қарс!

1983.

ҚИЗ ЙИҒЛАРДИ...

Қиз йиғларди. Йигитни эса
Ўзга билан ўтарди тўйи
Энди олар шу ёрдан бўса,
Эркалайди ҳар қуни суйиб.

Қиз йиғларди. Йигитни шу чоқ
Маст этарди қадаҳ сўзлари.
Қиз қучоғи совиган ўчоқ,
Хидлангандир сочи, юзлари.

Бахт тилайди йигитга ҳамма,
Бўлмиш ёрга тилайди толе.
Бир хилватда қиз йиғлар, аммо
У барчанинг ёдидан холи...

Қиз, куйланиб бўлдингми? Қизиқ -
Тоқ эдинг-ку севги боғида.
Қара, ҳамма айтмоқда қўшиқ
Куйланмаган ёт қиз ҳақида!

1984.

ОДАМНИНГ ҚИЛИҒИ

Онадан туғилмас одам бад бўлиб,
Пок бўлиб туғилар шу энг улуғи.
Йил сайин бораркан ёш ақли тўлиб
Уни йўлдан урар баъзан қилиғи.

Жоннинг ширинлиги чеклар инсонни,
Кўймайди беҳуда жасорат томон.
Ишонгин, одамнинг бўлмас ёмони,
Кўпинча қилиғи кўрсатар ёмон!

1984.

ҚОПҚОН

Билинг, қопқон одил ҳакам,
Қўноқ этар пана, ўрларни.
Адолатли қўлларга ҳар дам
Тутиб берар текинхўрларни!

1984.

* * *

Ой етиб мағрибга шўнғийди секин,
Марғиб бу қуёшнинг қадим болиши.
Мен сенга интилиб, етмайман лекин,
Шуңданми қалбимнинг қаттиқ толиши!

Дарёлар етади баҳри уммонга,
Етади юртимнинг васлига баҳор.
Уйқусиз соғ-омон етаман тонгга,
Ҳамиша мен сенга етолмасдан, ёр!

Гоҳ алам қилади ёмғир қатрасин
Заминга бус-бутун етиб келгани.
Мен билмай дунёнинг маза-матрасин
Келганман сен сари фақат елгани.

Шамоллар меңдан ўч олмайди нега?
Елишни олганман улардан тортиб.
Юлдузлар келади етиб осмонга,
Қуёшнинг нурларин эғнига ортиб.

Оралаб вужуднинг қир-ўрларини,
Оқибат бўғзимга етиб келар жон.
Олис манзилида кўрдим барини,
Олис манзилимга етаман қачон?!

1983.

ТЎРТЛИКЛАР

Илк китоб шу эди меңдаги мақсад,
Бу йўлда ҳар тошга урдим бошимни.
Биродар, сен нега қиласан ҳасад
Ўзимга яратсам қабр тошимни?

Дўст десам, билдирмай чалдинг оёқдан,
Дард чексам рўйи-рост ёришди юзинг.
Йиқитса гам келиб аллақаяёқдан
Во ажаб, энг аввал қўл бердинг ўзинг!

Ўқидим мақбарда мен шундай сўзни:
"Қулоқ сол, бу дунё буртиқ ва ўйма.
Одамлар чақага гоҳ сотди ўзни,
Мен ўзим сотмадим, келиб пул қўйма!"

Кўплар дўст тутинди қанча лоф уриб,
Деди: "Ҳар савдонгга бераман туриб!"
Сездирмай ўзлари ғойиб бўлдилар
Бир уни чўнтагим бўшлигин кўриб.

30.05.84

ДЕДИНГ (ҳазил)

Гар кўрсатсам кўксим қонин - лола дединг,
Севгим айтсам, сен шунчаки бола, дединг.

Кўзларингга, юзларингга мафтун боқсам,
Кўй кўзларинг нега бунча ола, дединг.

Ёш боладай мен қошингда қилсам йиғи,
Ярашмас бу сочингда оқ тола, дединг.

Оқ толамдан афсус қилсам ўтди ёш деб,
Эҳ, ҳали сен севгида ёш бола, дединг.

Сен Лайлимсан Мажнунингман десам ишқда,
Жунунликда муҳаббатни чола дединг.

Мажнун каби ютоқиб шарт қучмоқ бўлсам,
Телба ўйлаб, қўрқанингдан "хола!" дединг.

Кўз ёш қилсам турдинг бунда ушлаб ёқа,
Булутсиз ёғаркан-да жала, дединг.

Фурсат ичра - маъюс тортсам ва бўлсам шод,
Турландинг кўп, додинг қуруқ нола, дединг.

"Йўқ", "Хўп" демай айтаркансан хайр сўзин,
Эргашмасдан, Назар, бунда қол-а дединг.

2.06.84

КЕЧИРМАЙДИ

Қайтма ортга, агар қайтсанг, йўллар сени кечирмайди,
Ёрингни деб бошин тутган гуллар сени кечирмайди.

Аёв билмай қалин қорлар оқ кўксига қуёйдинг оёқ,
Ёринг сари шошилтирган дўллар сени кечирмайди.

Қайтма, қолди манзил яқин, чиқар пешвоз йўлингга ёр,
Ортга қайтсанг муҳаббати туллар сени кечирмайди.

Ёшинг билан ёбонлардан гул ундирдинг - гувоҳ офтоб,
Жунунлиқдан бугун тажанг, чўллар сени кечирмайди.

Нола қилсанг юпатганди сени қанча биродарлар,
Энди қайтсанг, мадад бўлган қўллар сени кечирмайди.

Муҳаббатнинг қули содиқ - очундаги жами ошиқ,
Бу боғдан сал қиё ўтсанг қуллар сени кечирмайди.

Кечиргай севгисиз зотлар, кечиргай бағри тошлар ҳам
Бироқ ёрга етолмаган диллар сени кечирмайди.

2.06.84

Хайрлашар мен билан толе,
Омад доим хайрлашади.
Бир ғам келиб қучган маҳали
Кетмоқ бўлиб дўст ҳам шошади.

Кетар бахтим шундоқ силкиб қўл,
Хайрлашар севинч, сурурим.
Узоқларга олган пайти йўл
Эргашмоққа қўймас ғурурим.

Қучар афсус, надомат чиндан
Ва қаршимда олам жар солар.
Ажралгиси келмайди мендан
Хайрлашгим келган нарсалар!

25.05.-11.06.84

Севаман,
Ватанимни.
Ҳеч қачон сотмайман
Ўзимни,
Сўзимни бировга.
Хиёнат қилмайман
Навоийнинг шеърига,
Ўзбекистон ерига.
Эрк офтобидан
Чекинди
Қуллиқлар, хатарлар.
Аммо миллий ғурури йўқлар
Ўз элини,
Ўз тилини сотарлар.
Ахир тоғларимиз баланд,
Чўққиларимиз чўнг.
Ғуруримиз ўхшар яшил боғларга,
Ғурурсизлар
Хиёнат қиларлар

Навоийнинг шеърига,
Ўзбекистон ерига!
Ор қилади
Отасининг тўнидан, дўпписидан.
Ор қилади
Онасининг атлас лозимидан!
Гуноҳ атарлар
Қошғарийнинг луғатларини.
Бобур, Беҳзоднинг
Аслий либосдаги суратларини!
Гуноҳ атарлар
Халқи учун ёнган
Шоирнинг журъатларини!
Улар
Ўз элини севганларни
Хоин биларлар,
Асл фарзандларга
Хиёнат қиларлар.
Мен эса жондан севиб
Ватанимни,
Юрагимга ўяман
Ўрхун -Энасой хатидаги сўзимни.

11.06.84

НУРМОН «ШҶРО»НИНГ ЁН ДАФТАРИДАГИ ЁЗУВ

“ -Ўқишга кирмоқда бу қишлоқдан ҳам,
Битириб келганлар эса бир талай.
Киролмай саргардон юрганлари кам,
Деҳқоннинг боласи бари ҳар қалай.

Кандидат бўлай деб қишлоққа келмас,
Соғиниб қолса ҳам ота-онаси.
Қозининг боласи - Бердивойга бас
Бўлса шу Китобнинг расадхонаси.

Самад ҳам “шер”ликка ўтганмиш энди,
Эҳ шундай дўхтирлик ўқишин ташлаб.

Зўр одам бўларди эртами, индин,
Яхшими, қамоққа кетса бош қашлаб.

Норматнинг ўғлини урди қайси жин?
Шаҳарда қолибди дипломни олиб.
У ерда ким билар бору йўқлигин,
Юрмайми бу жойда ишлаб, уй солиб.

Бўлгандим бир вақтлар қишлоққа раис,
"Шўро" дер қишлоқнинг ёшу қариси.
Ҳамон қизиқтирар мени юз фоиз
Ким одам бўлмоқда, ким тескариси!

Эсим қурсин, тавба, қай жин урибди,
Айтмабман Шуқурнинг неварасини.
У газет-пазетда чиқиб турибди
Кўрсатмай юрса ҳам ўз қорасини.

Уни ҳам шунгача қилардик ғийбат,
Ортидан гап-сўзни таширдик қоплаб.
Узоқда юрса ҳам раҳмат-ей, раҳмат
Бу йил чиқарибди китобин боплаб!"

23.06.84

Яширма, очик айт, сен ҳам севасан?
Келмасин севгимдан бугун қорахат.
Нега оромимни атай қувасан
Очасан бағримни ўйиб жароҳат?!

Йиғлатма шеъримни, севишингни, айт,
Боғлама, бахт сари ўрласин йўлим.
Сочинг силашни ҳам билмайди бу пайт,
Билмайди тигни ҳам тутмоқни қўлим.

Нетай, кетолмасман сенсиз бош олиб,
Дунёмдан баҳорни ўчирма буткул.

Ортингга қарамай кетсанг-да голиб,
Қаршингдан чиқаман аммо тутиб гул.

Кела қол, қаршимдан чекинсин туман,
Кўрайин узоқни аниқ ва тоза.
Ўзимга қасд этиб тиг санчган билан
Ўқилмас тепамда у кун жаноза.

Кенгликни этмагин юрагимга танг,
Йўқ, қайта олмасман юрган йўлимдан.
Сен мени ҳайиқмай "севаман!" десанг
Қутқариб қоласан ҳамма ўлимдан.

29.06.84

Нима бўлди, хурмай қолди ит,
Тўхтадим менинг қарвоним ?
Нимадандир кўнгил хира, хит,
Нимадандир қурир дармоним.

Чопдим, елдим - йўл босдим узоқ,
Юзларимда чарчоқнинг доғи.
Шунча юрган йўлларим бироқ,
Ёрдан нари ўтмабди чоғи.

Кўрдим қалбим пештоқида мен
Дарднинг ўйма пардозларини.
Яхши, яқин дўстларим лекин
Кўрмай қолди парвозларимни.

Тегирмоним тиндими ногоҳ,
Шовваларим нега қолди жим?
Сукунатми барига даргоҳ,
Чашма кўзин беркитди ё чим?

Сувлар, оқинг тегирмонимга
Кимдир дон деб тошлар солмасин.

Итлар, ҳуринг ганим ёнида
Карвонларим тўхтаб қолмасин!

30.06.84

Уринаман қилган хатомни
Энди қайта тузатмоқ учун.
Таъналардан сипқориб жомни
Кесдим аччиқ гийбатлар кучин.

Алашимдан йиғладим гоҳо
Биров солса хатомни юзга.
Бермоқ осон инсонга баҳо
Осон жуда ўхшатмоқ музга.

Жим эҳтиёт ташлайман қадам
Деблмайман қўл силкиб "майли!"
Баттар чўчиб қоларкан одам
Хато тукқан гап-сўз туфайли.

Қалбсиз бўлдим бир хато сабаб,
Ёмон одам аталдим рўй-рост.
Ташлади-ку гийбатлар талаб,
Холи гўйинг бир зум, илтимос!

Қурбонимдан ўтли ҳисларнинг
Мени этманг бу шахтдан жудо.
Гийбатларни кўйинг, дўстларим,
Осқат хато қилмаган худо!

Гуноҳ билан тушмадим қўлга,
Эмасман-ку қаллоб ё ўғри.
Мени солди шу хато йўлга,
Ва яшашга ўргатди тўғри!

2.07.1984

Кўз ёшларим кўлми бугун?
Ботқоқдами оёғим?
Юрагимда армон тугун,
Адашдимми маёғим?

Адашдимми ёруғ кунда,
Энди орзум сўлами?
Душманларим бош устимда
Қаҳ-қаҳ отиб кулами?

Куладими гувоҳ - куёш
Аҳволимга, ҳолимга.
Онанг, опанг - бор қариндош
Йўйди мени золимга!

Сўзлашмоққа қилдингми ор,
Олиб қочдинг ўзингни.
Доимгидай содиқман ёр,
Кел, беркитма изингни?

Узоқларга олмайин бош
Кечиб дунё ўзимдан.
Раҳм қилгин, оқар кўз ёш
Қара икки юзимдан!

Ўлдирмагин йигит шахтим.
Дардим учун айтма тос.
Наҳот энди ёлғон бахтим?
Ахир, эди севгим рост!

Қандоқ барча радларингни
Тирик туриб англайин.
Юлма, юлма патларимни,
Шўр айлама манглайим?

Ёмон одам, золим одам
Севмас асло ўртаниб.
Тўлдирмагин бугун, санам,
Ойроқ билан ўртани!

Севган одам кўр бўлади
Севганини алдаса.
Пешонаси шўр бўлади
Севганини алдаса!

Кўз ўнгингда чўкаётир
Қара, умрим кemasи.
Жон севгилим, қутқар, ахир,
Жим турганинг нимаси?

Чўкаётир Назар Шукур
Денгизига ҳижроннинг.
У ҳақиқий арвахидир
Саваланган ёйдоннинг!

3.07.1984

Севгимни ортиқ рад этганинг сайин,
Қилганинг сайин ё сен сёқ ости.
Ғурурим исёнга келмоқда тайин,
Ҳар недан совитиб борурсан ростин.

Ҳисларим тигини уурсан тошга,
Юрагим тафтига ташлагайсан муз.
Бу ҳолда бўлар-ку йўлимиз бошқа,
Бу ҳолда тоғар-ку севгимизга кўз?!

9.07.84

МЎЙҚАЛАМСИЗ ЧИЗИЛГАН СУРАТЛАР

Кўзларим шишасига қиш чизмаган суратин,
Аmmo ўнда чизилган - оппоқ меҳр, журъатим,

Ёрнинг тирик расми бор, қалқиб турар хира, тим,
Сирғалиб мўйқаламдан ҳеч бири тўкилмаган.

Чинни момо, ё дариг, оёқ-қўл, наҳотки, шол?
Полизга тушсак қувиб етардингиз бемалол,
Ҳали ҳам ачиштирар баданимни хивич тол,
Хаёлдаги бу сурат сарғайиб букилмаган.

Қароғимда битикдир суратинг, Юлдуз қизим,
Чизгандир рассом - меҳр. Орта қолдингми, изим?
Сени ортиқ топтарми ўзга оёқлар шу зум,
Ҳали умринг - оқ қоғоз, бир сатр ўқилмаган!

Расминг йўқ эсдаликка, унут мени, ёр абад,
Сени аёвсиз қучди ҳар изтироб , ҳар офат,
Энди оддий суратсан, кўрдинг қанча талофат,
Афсуски, бир мисрам ҳам сени учун тўкилмаган!

Кўзларим шишасига ўйилган соғинч нақши,
Буни сен торга солиб куйлагин энди бахши,
Ҳар юракка дардимнинг расмини чизгил яхши,
Бўлсин ул суратимнинг чоклари сўкилмаган!

18.07.84

Турган гап кўп туғар аёлларимиз,
Биз эрлар фарзандга ҳирс қўйдик кўпроқ.
Оналик уйғонар эрта - ҳар қизда,
Ардоқлар қуёшдан заб пишган тупроқ.

Болалар билан банд хаёлларимиз,
Уйимиз - гирдига тортилган ҳалқа.
Қўплаб туғаверса аёлларимиз
Ажабмас айлансак энг катта халққ.

15.07.84

САРОСИМАДАГИ ПАШША

Нима гап, одамлар соғ-бардам бугун,
Хаммаси ювиниб, кийинар тоза.
Кир-чир юрса эди, кирини унинг
Барчамиз талашиб қилардик маза.

Топ-тоза ҳар уйнинг ошхоналари,
Уларнинг дастидан юрмайсан тўйиб,
Водариғ, овқатни одамлар бари
Иссиқлай ейди-я, қолмасми куйиб.

Уйлардан чиқдимиз мазали ахлат,
Қутили машина келар занг чалиб
Хамма ҳайдовчига дейишар раҳмат
Шунча "таом"ларни кетса ҳам олиб.

Ҳовлилар тозариб бормоқда баттар,
Келмоқда бизларга ё охир замон.
Барча ифлос жойлар тозаланса гар
Хешларнинг ҳеч бири қолмас-ку омон!

Ҳар жойда биз учун қурилган тузоқ,
Ҳайдашар уйлардан бунча хира, деб.
Ўйламоқда қавмлар ҳам типирлаб узоқ
Ҳов, офат қоғозни - овқат, шира, деб.

Ё ажаб, тухумдан чиққан бола ҳам,
Қўлига ушлаган чивин ўлдиргич.
Кетмоққа чоғлансак, тоза дала ҳам,
Очликдан чалмоқда сурнайини ич.

Аввал кўп эди-я далада гўнглар,
Чиқарди истаган нарса юзага.

Фарёду додимиз энди ким тинглар,
Ташилиб кетмоқда бари гўзага.

Аммо бор дейишар кўнгли ифлослар,
Бизларга уларни кўрсатмасин ҳеч.
Ҳақиқий қиронни кўрардик ростдан
Ўшалар ушласа чивин ўлдиргич!

15.07.84

САВОЛГА САВОЛ

- Одамзод, сен тўхтаб ўрталиқда жим
Нимани англолмай қолдинг лол бўлиб?
- Дод солиб дунёга келган маҳалим
Нега қарши олган ҳамма шод, кулиб!

- Бунчалар ўйга фарқ бўлдинг, одамзод,
Ногаҳон не ишинг торттирди мулзам?
- Нимага орқамдан ҳамма солар дод
Мен ёшаб ёшимни тинчгина ўлсам?

17.07.84

АЙТ, КИМ ГУНОҲҚОР?

Бошқага турмушга чиқса севганинг,
Чидолмай бош олиб кетсанг қишлоқдан.
Севгига ютоққан бу шўрлик танинг
Қутуллолмай юрса ҳадсиз қийноқдан.
Айт, ким гуноҳқор?

Уй-жойинг бетайин юрсанг шаҳарда,
Бир меҳмон кутолмай руҳинг бўғилса,
Тун бўйи совқотиб, аммо саҳарда
Бир дардли шеър дилда тирик туғилса,
Айт, ким гуноҳқор?

Ижара уйингни бемалол билиб
Ҳамқишлоқлар келса тизилиб қатор,
Ноқулай аҳволдан турсанг сиқилиб,
Ёғса уй эгасин қовоғидан қор.
Айт, ким гуноҳқор?

Омадинг илиниб базўр турган дам
Янги шеър қушлари қўнса боғингга.
Кўп кўрса қай дўстинг ўша бахтни ҳам,
Аламдан қоврилсанг ўзинг ёгингга.
Айт, ким гуноҳкор?

Севгилинг шаънига зимдан, бенидо,
Дўст билган одаминг юрса чаплаб лой.
Майдонга чиқариб, кўзлар олдида -
Шу "дўст"ни ўлдирсанг қўлга тутиб ёй,
Айт, ким гуноҳкор?

Кўплар учун янги бахтдан чекинсанг,
Бахт қуши қўнса-да тахтдан чекинсанг,
Бир худбиннинг болалари деб
Тиғни санчмай - шахтдан чекинсанг,
Айт, ким гуноҳкор?

28.07.84

ШУКУР ҚУРБОН

Шукур Қурбон алдашни билмас,
Унинг учун ҳазил ҳам таҳқир.
Аммо уни алдар баланд-паст,
Ёлғон билан сийлайди тақдир.

У ёлғондан мақташни билмас,
Унинг учун ҳақиқат - мактаб.
Аммо баъзи дўстлари сармаст,
Бир-бирларин ёлғондан мақтаб.

Шукур Қурбон қолади дўстсиз,
Дўст юзига рост гални айтиб.
Ташлаб чиқар даврани сўзсиз,
Келар уйга бир ўзи қайтиб.

Яхши билар дўстлари, бироқ,
Яшаш йўлин баланд-пастини,

Бўлиб борар улардан йироқ
Шукур Қурбон айтиб ростини!

14.08.84

ҚИБЛАНОМА

Адашдим айрилиқ туманларида,
Компас бўлолмади беркинган қуёш.
“Етти ини” қолди осмон қаърида,
Қамбар юдузлари қайга олди бош?

Туманда кўринмас қутб йўллари,
Кўзларин беркитган хаттоки ойнинг.
Ўзанлар - сувга лиқ компас миллари,
Йўқотдим адашмай оқаётган сойни.

Сўқмоқлар - миллари қибланомамнинг,
Барини атайдан қўмгандир қорлар.
Кўринмас ҳеч жойи улкан оламнинг,
Ҳар ён қутб бўлиб ўзига чорлар.

Табиат беркитди тўрт томонини,
Барибир, манзилга етмоғим керак.
Қутб деб билдинг ёр хонадонини,
Энди бу туманда компас бўл, юрак!

11.08.84

ҲОЛАТ

Кўрсам юзларингда мунг изларини
Нимадир кўксимни аёвсиз тилар.
Фам қирқар юрагим илдиэларини,
Мен сенга термилиб йиғлагим келар.

Кўзларинг жо этган севгим байтларин,
Англайин, айт, унда ёзилган нелар?
Вужудинг ютоқиб қучган пайтларим
Мен сенга термилиб йиғлагим келар.

Тортилдим ҳаётнинг тегирмонида,
Ун бўлдим - ким қоллар, ким эса элар.
Баъзида аламлар ўтса жонимдан
Мен сенга термилиб йиғлагим келар.

Мен шундай одамман, севгига чанқоқ,
Ҳисларим шеърма-шеър югурар, елар.
Ўткинчи эканим ёдга тушган чоқ
Мен сенга термилиб йиғлагим келар.

Меҳрга зор бўлсам , кучса хўрсиниқ,
Меҳрибон қўлларинг сочимни силар.
Нафасинг юзимга урилса илиқ
Мен сенга термилиб йиғлагим келар!

25.08.1984

АЧЧИҚ

Дийдорингсиз алам деган чилим аччиқ,
Қўй, чекма, деб биров берган "билим" аччиқ.
Васлингни деб алам чекдим. Қара, энди-
Шу чилимни чекавериб тилим аччиқ!

26.01.1984.

ЯШАШ ЗАФАРИ

Ғийбатлар қилдик биз бир-биримизни,
Мақтадик самимий, айтдик офарин.
Гоҳ очиб, гоҳ ёпдик тақдиримизни,
Ва қўлга киритдик яшаш зафарин.

Шер каби сапчидик игво, ғийбатдан,
Хуш сўздан тап этиб тушдик олмадек.
Биз шундай феълимиз билан ҳаётда
Бир лоқайд тирик жон бўлиб қолмадик!

12.02.1984.

ҚҰШИҚ

Оҳ урдирма, оҳ урсам
Тоғлар тоши нурайди.

Ёлғиз борсам, ёр сени,
Қашқадарё сўрайди.

Сенсиз еллар ўрайди,
Ўрайди-ку йўлимни.
Ҳолимни ким сўрайди,
Сўник кўрса феълимни

Бақатерак, жон терак,
Хўп толиқдим, бўл, терак.
Келиним бир кўрай деб
Онагинам жонсарақ.

Эъзозга зор бу тупроқ,
Соғинчлардан тирналар,
Олисларга учади,
Қаранг, элчи турналар!

Баланд Ҳисор паст бўлиб,
Шош сулувин кўрай, дер.
Ёлғиз борсам, ёр сени,
Қашқадарё сўрайди!

26.02.1984.

СЕВГИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ҚУШИҚ

Дарахт юзларида чандиқ, ажинлар,
Кўм-кўк баргларида ям-яшил ёшлиқ.
Ажинлар-қийноқнинг излари эрур,
Яшиллик-висолга соғ етган ғурур,
Суратга бир тушган гўё завқ, ғашлик.

Севгидан тушган из - барча газал, байт,
Назмнинг онаси, демак, қизлар сиз!
Севгилим, боқмагин шеъримга лоқайд,
Онаси ўзингсан,
Отаси менман,
Ҳеч қачон туғилмас улар бизларсиз!

Баҳорнинг қўллари-беозор еллар,
Заминнинг ҳислари-жилғалар, селлар,
Қирғоқсиз оқади шамоллар-озод,
Автолар ўзани-тош, асфальт йўллар,
Ўзаним-севгига фарқ оққан ҳаёт!

Шарқ отар қуёшни олтин тўп каби,
Илолмас мағрибнинг қўллари куйиб.
Омад деб аталган қоптоқни ёки
Илолмай ўтурман жонимга тўйиб.

Вафоли ёрларнинг шунда барига,
Қоп-қора рангларни суртади кўзим.
Исиниб севгининг оловларига
Ўйларим тутундай ўрлайди узун.

Юзларим-аланга, сочларим-тутун,
Ўлчайман ғам, шодлик оралигини.
Олпоқ қор бошимни қоплар-да бутун
Яшириб кўяди қоралигини...

Тунги қийноқларга гувоҳдир чироқ,
Тунги қийноқларга оқшом гувоҳ, бас!
Юлдузлар чўлдираб қилади сўроқ,
Тунги фарёдимни офтоб пайқамас.

Тунги фарёдимни пайқайди замон,
Муборак пайқамас офтобдай уни.
Боғларни оралаб сузётган тумо:
Замоннинг овозсиз фарёди, уни.

Тоғлар-шаҳарлардан чекинган гурур,
Қирлар-аросатда қолган мағрурлик.
Севгилим, мен учун сен суюнч, сурур,
Ҳар бир кўшигимда номинг нақарот.
Севилмаслик менга қилур оғирлик,
Севилмаслик каби йўқдир ҳақорат!

8.03.1984.

ШОИРНИ ТУШУН

Отилса ортидан таъналар тоши,
Хам бўлса игводан, гийбатдан боши,
Тўғон бўл, қуюлса кўзидан ёши,
Биродар, зил кетса, шоирни тушун!

Ўргатма сен унга заҳматсиз бир йўл,
Доим ўз йўлини ўзи топар ул,
Унга пулдорларнинг шафқати бир пул,
Бахти чил- чил кетса, шоирни тушун!

Сен тинмай яшайсан бола-чақам деб,
Болам деб яшар у эл-юрт ғамин еб,
Ногоҳон ариса ҳаётидан зеб,
Шаробга дил кетса, шоирни тушун!

Ўтмас у бировнинг кўлига қараб,
Эл ҳақин ҳар жойда қилади талаб.
Сочига эрта оқ қолса оралаб,
Умридан йил кетса, шоирни тушун!

Бир кунда неча бор тирилар, ўлар,
Севинчдан йиглар у, дард ила кулар,
Бир умр, бир умр ёнару куюр -
Бағрида кул кетса, шоирни тушун!

Севдими - қайтарма, йўлидан қолмас,
Берган бор пандинга у қулоқ солмас,

Ғүддайсанг, сени ҳам бир пулга олмас,
Қўл силтаб йўл кетса, шоирни тушун!

Истасанг йўлига чоҳ қил, чуқур қил,
Туширсанг, бир назар сол-да, шукур қил,
Қилмишинг олдидан ўйла, фикр қил,
Орауи тул кетса, шоирни тушун,
Армони мўл кетса, шоирни тушун!

1984

АЙЛА

Кел, офтобни самога михлаб тилло хол айла,
Барча ёрлик ошиқни, жоним, шу чоҳ лол айла.

Йўллар ётар узала, сен барин ердан олиб
Этмоқ учун камалак, симдай эгиб-дол айла.

Сен юз ювган дарёнинг ичайин зилолидан,
Соҳилидан кетмайин, майли, мажнунтол айла.

Тўйиб-тўйиб чўмилсин юлдузлар сойда оқшом,
Сузиб кетай, ҳилолни менга қайиқ-сол айла.

Уфқларга сингийин, қолгин рўмолинг силкиб,
Мен ботган шафақ рангин қуёш ботмай ол айла.

Гар севмасанг, Назаринг энди қайтмас ҳеч қачон,
Топмагайсан дарагин, кейин қанча фол айла!

9.04.84.

Кўнглим жоми, ёр, чил-чил,
Териб олгин синигин.
Энди қайдан толайин
Дил шишасин тинигин.

Кўплар тинмай бу жомни
Чалган эди синдирмай.
Асов омад бедови
Тувлади-ку миндирмай.

Синдирмоққа дил жомин
Тошлари кўп Қашқанинг.
Тошсиз ҳам синди-ку дил
Деганингда бошқани.

Севмаганим ёшига
Тўлган Қашқа ўзани.
Ичмагин бу дарёдан
Сувга солиб кўзани.

Юлдузларга ой-она,
Дунёси тун. Нур инмас.
Ота қуёш уларга
Наҳотки, бир кўринмас,

Севмаганим ёшидан
Нурар дарё ўзани.
Шўр бўлади бор бахтинг
Сувга солма кўзани!

19.04.84.

КЕЧ ҚАЙТИШ...

Бировлар белгилаб берса йўлингни
Яшнамас турмушинг сўнг доим дуркун.
Барибир, у йўлдан силтаб қўлингни
Ўзингнинг уйингга қайтасан бир кун.

Отилар сен сари таъна тошлари,
Бўлганар ном-шаънинг, бўғилар унинг.
Одамлар оқизар кўзинг ёшларин,
Ўзингнинг йўлингга кеч қайтган кунинг!

30.04.1984.

НОРОЙ МОМО ФАЛСАФАСИ

Мен-ўтмиш. Келажак-болаларимдир.
Мен Ўтмиш ҳали ҳам юрибман яшаб.
Уч ўғлим қайтмади!
Уфқлар жимдир,
Уруш ё уларни қўйганми ошаб?!

Ҳар гал жон ҳовучлаб келаяпти дейман,
Узоқдан уч қора кўринса элас.
Ахир, келажакнинг ўтмишдан олдин
Ўлмоғи, ўлмоғи ҳеч мўмкин эмас!

30.04.1984.

ТОШ ЖАНГЧИЛАР

Тош жангчилар қору ёмғирда
Милтиқларин туришар ушлаб,
Ростлаш учун нафасин бирдам
Ҳайиқмасдан қўнади қушлар.

Қад кўтарган майдонлар узра,
Мангуликнинг туйиб шавқини,
Тинчлик куйи - одамларнинг
Автоларни сурон-шовқини.

Гуллар қўяр ҳамма пойига,
Тош жангчилар сукутга толган,
Майдонларда
Аслида уруш
Ҳайкалларга айланиб қолган.

2.03.84

Бир тош тушган булоқдек нечун
Тиниқ севгим, лойқаладинг, айт.

Лойқаланди ҳаётим бутун,
Лойқаланди ёзилган бор байт.

Қолди гулим бир кунда сўлиб,
Йўқотдимми қўққис бахтимни.
Овораман тинитмоқ бўлиб
Лойқа тортган муҳаббатимни.

Илма-тешиқ кўксимга тақдир-
Тагин қаттиқ санчдими тикан?
(Онажоним, гапларинг ҳақдир,
Бахтим қуши қоғозда экан!

Ўйлагандим, энди ҳаммадан-
Бўлади, деб саодатим мўл.
Чалғиб турса бошқалар баъзан,
Боланг шўрлик адашар нуқул.

Етмасмиди ўттиз ёшимнинг
Шу дамгача ўтгани бекор.
Эгдим яна йигит бошимни,
Тўқолмадим, нетайин, виқор...)

Тиниқ севгим, дайди тош келиб
Булоғингга тушдимми тикка,
Кўтарибман, эвоҳ, тоза деб
Лойқаланган бир бахтни кўкка!

19.05.84.

ХАЁЛ ВА ҲАЁТ

Узоқ-узоқларга кетмоқ истардинг,
Кўм-кўк фазоларни яшардинг кўзлаб.
Сени кўп қийнади олис қиз дарди,
Юлдузлар ичидан юрардинг излаб.

Бугун парвонадир бир этак фарзанд,
Гоҳо "йироқлар"инг қолсанг ахтариб, -

Саёқ хаёлингни шу йироқлардан
Болаларинг келар энди қайтариб.

23.05.84.

МУКАММАЛЛИК

Наздимда сенда ҳеч камчилик йўқдек,
Гўё яралгансан бекам, мукаммал.
Энг аччиқ сўзинг ҳам қадалмас ўқдай,
Зўр бахтдир амрингга қилмоқлик амал.

Хислату ишингда равонликлар жам,
Қарасанг оёғим кўққис суринар.
Жумладан, жамики хатоларинг ҳам
Менга туппа-тўғри бўлиб кўринар.

04.11.84.

ТАНАЗЗУЛ

Сен мени билмаган бир метин кўрган,
Фиштим кўчиб тушган, ўтлар - ёлларим.
Унут бир мақбардай тополмадим шон,
Қарагин, чилпарчин бор сополларим.

Бут жойим қолмаган, дарэларим бисёр,
Йўқотдим такаббур қилиқларимни.
Гар билсанг ўзингни менга чин дўст, ёр,
Сен ёрдан териб ол синиқларимни.

4.11.1984.

МАНЗАРА

Жимжит кўк денгиз. Булутлар - кўпик,
Жимжит сузиб юрар олтин орол - ой.
Қорайиб кўринар теварак, уфқ,
Чўккан юлдузлар ҳам сир бермайди бой.

Ой томон сузади Етти қароқчи,
Пойида тинмайди кучуқлар ўлиб,

Кечаси бус-бутун олтин оролни
Улар чор-тарафга кетмоқчи бўлиб.

8.11.1984.

БИР КУНИ...

Бир куни сочимни кўмса оппоқ қор,
Илҳомим қолмаса қайнаб, жўшмоққа.
Қартайган жисмимдан юз бурса баҳор,
Кексалик билан мен қайтсам қишлоққа.

Она, чиқасизми сиз уйдан чопиб,
Ота, очасизми ўшанда қучоқ?
Наҳотки, бўлмагай сизларни топиб,
Наҳотки, ўчади сиз ёққан ўчоқ?!

Лойсувоқ болалик уйим чорларми?
Муштоқ дарзидан ё кетар нураб,
Ўшанда бошимга ёққан қорларни
Онажон, отажон, ким ташлар кураб?!

26.11.1984.

СОҒИНЧ

Қайларда юрибсан, билмайман изим,
Қай кафтда чўчиниб тераяпсан дон.
Кимларнинг қўлида сендаги изн?
Бир бора қизим деб тутқазмадим нон.

Бир бора кўтариб эркалолмадим,
Мен олиб бермадим бирон кўғирчоқ.
Бекордир бу фурсат фарёду додим,
Ичимни ёритмас ҳеч битта чирок.

Не топсам мен сендан аяганим йўқ,
Лекин тутқазмадим ўз кўлим билан.
Эҳтимол яшарсан устинг бут га тўқ,
Аён, тўқ эмассан ота меҳридан.

Бошимга чоғланган тошлар кўп эди,
Бағоят бой эдим рақибдан ўзим.
Ажабо, бу тақдир сени ҳам энди
Ўшалар томондан бўйлстар қизим.

Сочингдан тортқилаб қочса болалар
Оҳ сўрай билмассан отангдан нажот.
Бағримни ўртайди олис ноалар,
Биласан, сен учун мен синган қанот.

Кўзингда исмсиз ҳадик ва кўрқув,
Миннатли ёт эшик шундай жойлаган.
Чўчиниб нон ейсан ва ичасан сув,
Ҳар нарса кўринар изинг пойлаган...

Сочингдан тортқилаб еллар эркалар,
Юзингни нур силар. Табиат - ҳотам.
Ҳаттоки бегона қўллар эркалар,
Афсус эркалолмас биргина отанг!

1984

Дуруст ёлчимадим чўнтақдан - пулдан,
Аммо мўл қалбимда муҳаббат, меҳр.
Урмоқчи бўлади гоҳ кимдир йўлдан,
Солади дилимга бадсўздан муҳр.

Ўғирламоқ бўлар сочим қорасин,
Тетик, соғломлигим қилдирар алам.
Мен сезмай турнайман улар ярасин,
Мен сезмай... баридан тураман баланд!
1984

МУАЛЛИМИМ

Жўра Яллаевга

Муаллимим, Сиз илк ҳарфни ўргатган кезде-
Сирли эди ҳали қирлар, адирлар орти.
Англолмасдик оддийгина сўзни ҳам тезда,
Қўймас эди тасаввурлар бағрига тортиб.

Ишонмасдик ер айланар сўзига сира,
Ва юлдузлар ердан улкан, деб суйласа ким.
Боқар эдик самоларга тоза, бокира,
Сирли узоқ-узоқларга талпинардик жим.

Талпинардик тилсимларга! Содда дунё ҳам-
Қийнар эди тилсим этиб оддий сирини.
Муаллими, билдик кулиб, гоҳо босиб ғам,
Бу дунёнинг поклиги-ю ҳамда «кири»ни.

Шўхликларнинг уюмидан тирик болалик,
Видо айтиб кетди, ахир, излаб тенгини.
Боқолмадик ҳаётга сўнг худди боладек,
Йўлларнинг ҳам кўрдик йўлда тору кенгини.

Кимдир дилда ўз меҳрини этди муқаддас,
Ва кимнидир нафратларга кўрдик муносиб.
Зимдан кимдир қинғирлигин этолмади бас,
Қадамларни тўғригина юрсак ҳам босиб.

Ахир сиз ҳам ўтган пайти ўша йўллардан,
Бўлганмиди қувончингиз бемаҳал ҳалок?!
Утсангиз гар, унда нечун Сиз маъсум бардам,
Унда нечун Сиз бунчалик бегубору пок?

Кўрдим севги, муҳаббатни маъшум бешафқат,
Бари ғолиб! Севинчларим қабрини қазиб.
Қир устида уй кўтариб турибди-ку қад,
Менинг соғинч, содиқлигим бағрига ёзиб.

Бу не аҳвол, ҳалол бахтинг кулиб боққан чок,
Баъзи бирлар қоврилади ҳасад ўтида
Гоҳо тенгдош дўстларни ҳам тортдику тупрок,
Наҳот, ҳадди ҳисоб йўқдир ўлим чўтида.

Бўлмагани дуч банагоҳ савдолар каби,
Бу хил тўсиқ, маломатлар Сизнинг мактабда.
Бунча алғов-далғов экан ҳаёт мактаби,
Шодликлар ҳам, ғуссалар ҳам бирма-бир сафда.

Англолмадик тасодифлар ниятин тезда,
Дунё эса кўзимизда порларди турли.
Муаллимим, Сиз илк ҳарфни ўргатган кезде,
Қир ортидай чунки эди барчаси сирли.

1979

Ой қалқийди ариқ сувида,
Қалқиб оқар бир биллур титроқ.
Шудрингларда ранглар ивиган,
Ичар гуллар кўз ёшин тупроқ.

Сой бўйида тугар сўзлар ҳам,
Нуқта қўяр висолга «Хайр!»
Ажралишар аста излар ҳам,
Тун - кундузга чап берган байир.

Ўчар бир-бир уйларда чирок,
Роз суйлайди елларга ялпиз.
Тагин топмай бир дўст -яхшироқ,
Кеча билан қоламан ёлғиз.

1984

Юрагим қўлингда, уйингдир меҳвар,
Нақадар машаққат кетмоқ узоқлаб.
Севгилим, иложи бўлсайди агар,
Қўярдим лабингга шу он узоқ лаб.

ПАРГОР

Юрагим қўлингда. Кел, қўйиб юбор,
Қолганман мен сенга ипсиз боғланиб.
Тегрангга қарагин, доира йўл бор.
Солганман мен уни уйинг айланиб.

1984

ТАХТАДАГИ ИХТИРО

Бўр билан ёзилди буюк ихтиро,
Доскага чизилар ноаён шакли.
Жам эди унда нур, фикр, эҳтирос,
Ҳеч битта нарсага йўқ эди тақлид.

Кўп ишлар бажарар оддий шиша най...
Олимлар қайтишар ҳайрати катта.
Сўнг шунча қудратни одатдагидай
Ўчириб ташлайди чириган латта.

1984

ЎТАЁТГАН ЗУМЛАРГА

Барибир бахтсизсиз - толейи қора,
Биз қолдик барингиз мозийга йўллаб.
Қайтмоқ, тўхтамоққа Сизда йўқ чора,
Қолгайсиз хостирлар янглиғ милтилаб.

Ўтиб кетаяпсиз!.. Ортда қанча из-
Сочилган йўлларда, қиру сойларда.
Сизга ачинаман!
Қандай яшайсиз,
Одамлар тарк этган жойларда?

1978

Мундарижа

Юракда қолган излар (Ў.Ҳайдар)	3
Кенгликлар қўшиғи.....	5
Манзара.....	6
Сукунат	6
«Уқирмикин...».....	6
Кумушбиби азаси.....	7
«Ажнабий рақси...».....	8
Хонсулув холанинг қўшиғи	9
Биринчи олим	10
Муқанна изтироби	12
Осмон ташбехлари	13
Соғинч	15
«Чекиниб яшайман...»	15
«Юрагимда...»	16
«Дўстимсан...»	16
Босмахона	17
«То бор экан...»	18
«Йўқ...»	19
«Негадир теварак...»	20
Аёлларга	21
Жоконда	23
Хунук қиз тиловати	25
Агар кетсанг	25
Топсанг	26
«Кўй, кирма...»	27
Сенсиз	28
64-автобус	29
«Келмадинг...»	30
«Севгисиз...»	31
Яшашдан чарчасам	31
Тилмочсиз ҳислар	32
Узоқ ёқларга	33
«Кунларим оқади...»	34
«Кўлингда чертилар...»	35
Рашким	35
Қишлоқ йўлида	36
«Девону луғатит турк»	37
«Сенга очдим...»	37
«Кўзёшларим...»	38
«Кулгунгга...»	39
Янги йил арафасида	40

«...Га»	41
Шаҳар	43
Учликлар	44
Ўзбекистон сўзи	44
«Камтар бола эдим...»	45
«Биламан...»	47
Олапар	47
«Тоғларга»	49
«Бахтлисан...»	49
«Қиш ҳайдар...»	50
Яссавий мақбараси	51
Тиллар	52
«Кечиринг...»	53
Тарих ва математика дарсида	53
Гул	54
«Қўйлиқ йўлларида...»	55
«Ниҳоят...»	55
Тарози	56
Қирдаги уй	57
Тортишиш қонуни	58
Умрим йўлларида	59
Сўзлар вазни	60
Қиз йиғларди	60
Одамнинг қилиғи	61
Қопқон	61
«Ой етиб...»	62
Тўртликлар	62
Дединг	63
Кечирмайди	64
«Хайрлашар...»	65
«Севаман...»	65
Нурмон «шўро»нинг ён дафтаридаги ёзув	66
«Яширма...»	67
«Нима бўлди...»	68
«Уринаман...»	69
«Кўз ёшларим...»	70
«Севгимни...»	71

Мўйқаламсиз чизилган суратлар	71
«Турган гап...»	72
Саросимадаги пашша	73
Саволга савол	74
Айт, ким гуноҳкор?	74
Шукур Қурбон	75
Қибланома	76
Ҳолат	76
Аччиқ	77
Яшаш зафари	77
Кўшиқ	78
Севги умумий қушиқ ҳақида	78
Шоирни тушун	80
Айла	81
«Кўнглим...»	81
Кеч қайтиш	82
Норой момо фалсафаси	83
Тош жангчилар	83
«Бир тош тушган...»	83
Ҳаёл ва ҳаёт	84
Мукамаллик	85
Танназул	85
Манзара	85
Бир куни	86
Соғинч	86
«Дуруст ёлчимдим...»	87
Муаллимим	88
«Ой қалқийди...»	89
Паргор	90
Тахтадаги ихтиро	90
Ўтаётган зумларга	90
Куз варақалари	91
У шундай кучлики	92

Адабий-бадиий нашр

Назар ШУКУР

Мени кечир, муҳаббат

Шеърлар

Ўзбек тилида

Муҳаррир Т.Тиллаев

Мусаввир: П.Воронкин

Техник муҳаррир: С.Мусаев

Мусаҳҳиҳа: Х.Ҳайдарова

ИБ № 0803

Теришга 1.06.2005 йилда берилди. Босишга 16.07.2005 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Газета қоғози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табағи 5,04. Шартли бўёқ-оттиск 5,29. Нашр босма табағи 3,67 250 нусхада. № 10/07 буюртма. 47-2005-шартнома. Эркин нархда.

“Насаф” нашриёти, Мустақиллик кўчаси 22-уй

«Графика» МЧЖ босмахонасида босилди.